



Ижрочи:
giz

Узбекистон Республикаси
Техникик иктисодийи
алоқазар, инвесторлар
ва сандао газирлиги

«O'ZSTANDART»
Agentligi

UNDP
Узбекистон

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ БОЗОРЛАРИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ

мева-сабзавот
маҳсулотлари
мисолида

КЕРАК



Тошкент
2015



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ БОЗОРЛАРИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ КЕРАК

(мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида)

УЎК 339.564.2
КБК 65.428(5У)
Б86
Ботирова Д.

Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига қандай қилиб экспорт қилиш керак (мева-сабзавот маҳсулотлари мисолида) / Д. Ботирова, Г Каххарова, Д. Акбаров. – Тошкент, 2015. – 66 б.

КБК 65.428(5У)

Тузувчилар:

Динара Ботирова, Гузаль Каххарова, Дилшод Акбаров

Кўлланма Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (GIZ) «Марказий Осиёда минтақавий савдога кўмаклашиш» Дастури ва БМТ Тараққиёт Дастурининг Финляндия ҳукумати томонидан молиялаштириладиган «Савдо ривожланишига кўмаклашиш» лойиҳаси кўмагида «Ўзстандарт» Агентлигининг «Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюроси» томонидан тайёрланди.

Кўлланмани ишлаб чиқишида ЕИ экспортни қўллаб-куватлаш хизматининг Export Helpdesk (www.exporthelp.europa.eu) сайтида тақдим этилган маълумотдан фойдаланилди.

Кўлланманинг электрон версиясини «Ўзстандарт» агентлигининг Интернет тармоғидаги www.standart.uz сайтидан ва Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org сайтидан олиш мумкин.

Ушбу нашрда баён этилган қарашлар ва хуносалар фақат тузувчиларнинг нуқтаи назарини ифодалайди ҳамда Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Муҳаррир: У.Раджабова

Нашриёт лицензияси А1 № 263 от 31.12.2014

Босишга руҳсат этилди 00.00.2015. Бичимчи 60x84 1/16.

«Arial» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Босма табори 4,1.

Нашр табори 3,8. Буюртма № _____. Адади xxx нусха.

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи
100000, Ташкент, Буюк Ипак Йули мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

_____ босмахонасида чоп этилди

Адрес:

Tel.: + 998 (71) xxx-xx-xx

© Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Дастури (GIZ), 2015

© БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2015

© Baktria press, 2015

ISBN 978-9943-4508-6-8

Мундарижа

КИРИШ	5
1. ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИГ ЯГОНА БОЗОРИ	6
Европа Иттифоқида импорт қилиш тартиб-таомиллари	7
Божхонада расмийлаштириладиган ҳужжатлар	10
Ички солиқ солиши	11
Импорт тарифлари	12
Техник талаблар	14
ЕИ бозори түғрисида умумий түшүнчә	6
2. ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КҮРИШ: БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ	18
3. ҚИЗИҚТИРГАН МАЪЛУМОТНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ МУМКИН?	22
4. ЕВРОПА ИТТИФОҚИННИГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТҮҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАЛАБЛАРИ	26
Европа Иттифоқи мамлакатларига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда күйиладиган маҳсус талаблар	26
Хайвон хом ашёсидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш	28
Озиқ-овқат маҳсулотларидаги заарларни моддаларни назорат қилиш	32
Инсон истеъмоли учун мүлжалланган ўсимликлардаги ва ҳайвон хом ашёсидан тайёрланган маҳсулотлардаги пестицидлар қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш	34
Фитосанитария назорати	36
Хўл мева ва сабзавотлар учун бозор стандартлари	40

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш	42
Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (ихтиёрий талаб)	45
5. ГЕРМАНИЯ МИСОЛИДА АЙРИМ МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТУРЛARINI ЎЗБЕКИСТОНДАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИГА ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА КЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	48
Хўл мевалар	49
Қуруқ мевалар	50
Янги узилган сабзавотлар	51
Қуруқ сабзавотлар	52
Шарбатлар ва концентратлар	53
6. ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ	54
7. «ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА КЎМАКЛАШИШ БЮРОСИ	56
ИЛОВА	61
1-илова. ЕИ аъзо давлатларидаги ҚҚС ставкалари	61
2-илова. Озиқ-овқат маҳсулотлари учун микробиологик мезонлар: сабзавотлар, мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар	62
3-илова. Озиқ-овқат маҳсулотларидаги ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаси	64
4-илова. Германияда мева-сабзавот маҳсулотлари учун амалда бўлган стандартлар	66

Кириш

Ушбу құлланма үз маҳсулотларини Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларига экспорт қилишдан манбаатдор бўлган ишлаб чиқарувчилар учун мўлжалланган.

Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишда Сиз катта бозорга кириш афзалликларига эга бўлишингиз мумкин. Бироқ экспорт қилишни бошлашдан аввал Сизнинг маҳсулотингиз сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича ахоли саломатлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган ЕИ қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Ушбу құлланмани ўқиб чиқсангиз, Европа Иттифоқининг Ягона бозори тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилишингиз, шунингдек ЕИ мамлакатларига мева-сабзавот маҳсулотларини импорт қилишда кўйиладиган маҳсус талаблар тўғрисида батафсилоқ маълумотни топишингиз мумкин. Бундан ташкари, құлланмада манбалар учун ҳаволалар кўрсатилган бўлиб, уларда ЕИ мамлакатларига импорт қилиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ва тартиб-таомиллар тўғрисида қўшимча маълумотни топиш мумкин.



1

ЕИ бозори түғрисида умумий тушунча

Европа Иттифоқининг ягона бозори



Европа Иттифоқи (ЕИ) жаҳондаги энг йирик ягона бозорdir. ЕИ мамлакатларига экспорт қилувчилар 28 та мамлакатнинг таҳминан 500 миллионлик истеъмолчиси мавжуд бўлган улкан бозордан жуда фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

ЕИ БОЖХОНА ҲУДУДИГА ҚУЙИДАГИ АЪЗО ДАВЛАТЛАР КИРАДИ



- Хорватия
- Венгрия
- Мальта
- Нидерландия
- Австрия
- Польша
- Португалия
- Румыния
- Словения
- Словакия
- Республикаси
- Финляндия
- Швеция
- Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган кироллиги

Бельгия

Болгария

Чехия
Республикаси

Дания

Германия

Эстония

Ирландия

Греция

Испания

Франция

Италия

Кипр

Латвия

Литва

Люксембург



ЕИ үзидаги Божхона иттилоғынни ифода этади, яъни Европа Иттилоғынинг 28 та аъзо мамлакати ягона божхона худудини ташкил этади. Бу:

- ЕИ ичкарисида ҳаракатланувчи товарлар учун божхона божлари тўлан-маслигини;
- барча товарлар Европа Иттилоғига кирмайдиган мамлакатлардан импорт қилинадиган товарлар учун белгиланган ягона божхона тарифига эгалигини;
- қонуний олиб кирилган товар божхона назорати бўйича ҳеч бир бошқа чора-тадбирсиз бутун ЕИ ҳудудида эркин муомалага чиқарилишини англатади.

Товарларнинг эркин ҳаракатланиши принципи ЕИ ҳудудининг исталган қисмига товарларни олиб кириш ва уларни сотиш имконияти ЕИ бозорининг тамал тошидир. Маълум даражада мураккаб ва ҳар хил миллий қонунлар Европа қоидаларининг ягона тўплами билан алмаштирилди, бу эса Европа Иттилоғынинг бошқа мамлакатларида савдо-сотиқ олиб боришни хоҳловчи компаниялар учун ҳаражатларни камайтириш ҳамда экспорт тизимини соддалаштириш имконини берди.

ЕИ товарлари бозори 28 та мамлакат ўртасида пухта ўюштирилган ва келишилган бозордир. Бироқ ЕИ бозорининг самарали фаолиятини таъминлаш учун компаниялар муайян қоидаларга риоя қилиши ва ҳалол рақобат принципларига амал қилиши керак.

 ЕИ экспортни қўллаб-куватлаш хизматининг Export Helpdesk ([www.exporthelp.europa.eu](http://exporthelp.europa.eu)) сайтида келтирилган маълумот билан танишиб чиқиб, Европа Иттилоғида савдо-сотиқ тизими қандай ташкил этилганлигини, қандай тартиб-таомилларга амал қилиш ва қандай ҳужжатларни тўлдириш кераклигини билиб олиш мумкин.

Экспортни қўллаб-куватлаш хизмати Европа Иттилоғидаги тегишли тарифлар, талаблар, преференциал битимлар ва квоталар түғрисидаги маълумотни, шунингдек ривожланаётган мамлакатлардаги бизнесга таъсир кўрсатувчи статистика маълумотларини тақдим этади.

Европа Иттилоғида импорт қилиш тартиб-таомиллари

 **Ҳамжамиятнинг Божхона кодекси** Европа Иттилоғига кирмайдиган мамлакатлар билан савдо қилишда ЕИ божхона органларининг ишини тартибга солувчи барча қоидаларнинг тўпламини ўзида ифода этади. Ушбу қоидалар Европа Иттилоғынинг барча аъзо давлатларида божхона тартиб-таомилларининг бир хиллигини ва очик-ошкоралигини кафолатлади.



- Европа Иттифоқининг Божхона кодекси (Регламент (ЕИ) № 450/2008).
- Қоидаларни татбиқ этиш (Регламент (ЕИХ) № 2454/93 –умумий таҳрир).

Хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтказиш (EORI рақами). Хўжалик юритувчи субъект сифатида рўйхатдан ўтказиш ва идентификациялаш тизмининг рақами (EORI рақами) – бу Европа Иттифоқига аъзо давлатнинг божхона органи томонидан ЕИ божхона тўғрисидаги қонун хўжатлари билан тартибга солинадиган фаолиятда иштирок этувчи барча хўжалик юритувчи субъектларга (ҳам компанияларга, ҳам жисмоний шахсларга) бериладиган ноёб коддир.

Ҳамжамият божхона ҳудудининг ташқарисида жойлашган импорт қилувчиларга EORI рақами улар биринчи марта қуидаги хўжатларни тақдим этаётганларида берилади:

- божхона декларацияси;
- етиб келганлик ҳақида умумий декларация (ENS);
- жўнаб кетганлик ҳақида умумий декларация (EXS).

Ушбу рақамдан ЕИ божхона органлари билан алоқага киришганда Ҳамжамият ҳудудида идентификатор талаб этилган ҳолларда, масалан, божхона декларацияларида фойдаланиш керак бўлади.



Етиб келганлик ҳақида умумий декларация (ENS). Етиб келганлик ҳақида умумий декларацияда ЕИ чегарасидан ўтувчи товарлар партиялари тўғрисида аввалдан тақдим этиладиган маълумот келтирилади. Декларация Европа Иттифоқи ҳудудидаги биринчи божхонага, ҳатто товарлар Европа Иттифоқига импорт қилинмаса-да, юк ташувчи томонидан топширилиши керак (айрим ҳолларда декларация импорт қилувчи-юк қабул қилувчи ёки ташувчининг ёки импорт қилувчининг вакили томонидан топширилиши мумкин).



Божхона органлари томонидан маъқулланган тартиб-таомиллар. Товарлар ЕИ ҳудудидаги биринчи божхонага етиб келиши билан вақтинчалик омборга жойлаштирилади (агар товар денгизда ташилаётган бўлса, сақлаш муддати 45 кундан ошмаслиги керак, барча қолган ҳолларда ушбу муддат 20 кундан ошмаслиги керак). Ушбу вақтдан бошлиб, божхона органлари томонидан маъқулланган тартиб-таомил берилмагунга қадар ёки вазифа белгиланмагунга қадар товар божхона назорати обьекти ҳисобланади:

1. Эркин муомалага чиқариш. ЕИ ҳудудига импорт қилишга тааллуқли қуидаги барча шартларга тўлиқ амал қилинганда товарлар «эркин муомалага чиқарилади»:

- барча тегишли божхона божлари, ҚҚС ва акциз йигимлари тўланган бўлса;
- барча тегишли рухсатномалар ва сертификатлар тақдим этилган бўлса (масалан, квоталар, гигиеник талаблар ва ҳоказолар учун).



2. Транзит тартиб-таомили. ЕИ аъзо давлатларининг иккита турпи божхона органлари уртасида товарларни ташиб утишда божхонада расмийлаштириш қабул қилувчи мамлакатнинг божхона органларига ўтказилади.

3. Божхона омборида сақлаш. Импорт қилинган товарлар ишончли омборхоналар-да сақланиши мумкин, бунда божлар, солиқлар тўлаш ва савдо сиёсатига тааллукли чора-тадбирларга риоя қилиш товарга божхона органлари томонидан маъқулланган бошқа тартиб-таомил қўлланмагунга қадар вақтингачалик тухтатиб турилади.

4. Божхона худудида қайта ишлаш. Товарлар божхона органлари назорати остида қайта ишланиши ва ЕИ худудидан ташқарига қайта экспорт қилиниши учун божлар, солиқлар туламай ва савдо сиёсатига тааллукли чора-тадбирларга риоя қилмай ЕИ худудига импорт қилиниши мумкин. Агар охирги маҳсулот охир-оқибат экспорт қилинмаса, унга тегишли божлар солинади ва тегишли чора-тадбирлар кўпланилади.

5. Вақтингачалик олиб кириш. Товарлар ҳеч бир ўзгартеришсиз қайта экспорт қилишга мўлжалланган бўлса, импорт учун олинадиган бож туламай ЕИ худудига олиб кириши мумкин. Вақтингачалик олиб кириш учун белгиланган максимал муддат 2 йилни ташкил этади.

6. Эркин зонага ёки омборга олиб кириш. Эркин зоналар ЕИ божхона худудидаги ўзига хос зоналар бўлиб, ушбу зоналарга товарларни уларга нисбатан божхона органлари томонидан маъқулланган бошқа тартиб-таомил қўлланмагунга қадар ёки қайта экспорт қилинмагунга қадар божхона божлари, ҚҚС ва акциз божларини туламай ҳамда савдо сиёсатига тааллукли чора-тадбирларга риоя қилмай олиб киришга рухсат берилган. Бундан ташқари, ушбу тартиб-таомил доирасида товар билан уни қайта ишлаш ва такроран ўрамлаш каби оддий операцияларни бажариш мумкин.

Божхона декларацияси — Ягона маъмурий ҳужжат (SAD). Товарларга божхона органлари томонидан маъқулланган режим ёки вазифалар юкланиши ягона маъмурий ҳужжат (SAD) орқали амалга оширилади. SAD божхона декларацияси божхона органларига импорт қилувчи ёки унинг вакили томонидан электрон кўринишида (ЕИ ҳар бир давлатнинг ўз тизими амал қиласи) ёки тегишли божхона расмийлаштириш пунктига тақдим этилади.

Божхона қиймати. Купчилик божхона божлари ва ҚҚС импорт қилинаётган товар қийматининг фоизи кўринишида ифодаланган. Божхона органлари томонидан божхона қийматини белгилаш товарнинг Европа Иттилоғига олиб кирилган вақтдаги тикорат қийматига – умумий харид қийматига ва товарни божхона худудига олиб кириладиган пунктгача етказиб бериш қийматига асосланади. Ушбу қиймат олди-сотди шартномасида курсатилган нархга ҳар доим ҳам мос келавермайди ва маҳсус текширудан ўтказилиши мумкин.



Божхонада расмийлаштириладиган ҳужжатлар

 Счёт-фактура – бу экспорт қилувчи ва импорт қилувчи ўртасида битим тузилганинг далили ёки исботидир. Агар товар нақд бўлса, экспорт қилувчи импорт қилувчига товарга ҳақ тўлаш учун тижорат шартномасини таклиф қиласди. Тижорат счёт-фактурасида битим түгрисида асосий маълумот келтирилган ва уни божхонада расмийлаштириш учун кўрсатиш шарт.

 Божхона қийматининг декларациясини импорт қилинаётган товарларнинг қиймати 10 000 еврода ошиб кетган тақдирда божхона органларига тақдим этиш шарт. Божхона қийматининг декларацияси DV 1 шаклига мувофиқ (Комиссиянинг 2454/93-сонли Регламентига (ЕИХ) мувофиқ) тузилиши керак. Ушбу шаклни Ягона маъмурий ҳужжат (SAD) билан биргалиқда кўрсатиш зарур.

Ушбу талабларнинг асосий мақсади божхона божларини ундириш учун божхона қийматини (солиқ солиш қийматини) аниқлаш учун битим қийматини белгилашдан иборат.

Божхона қиймати товарнинг қийматига, шу жумладан Европа Иттифоқи чегаралари биринчи кесиб утилгунга қадар сарфланган барча харажатларга (масалан, тижорат нархи, ташиб, сугурта) мос келади. Одатда, божхона қиймати битим қийматидан (импорт қилинаётган товарлар учун туланган ёки тўланиши лозим бўлган нархдан) келиб чиқкан ҳолда белгиланади. Айрим ҳолларда товарни импорт қилиш битимининг қийматига тузатиш киритилиши керак, бу эса унинг ошиши ёхуд камайишини англаради.

 Транспорт ҳужжатлари. Транспорт воситасига қараб уни рўйхатдан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатларни тўлдиришҳамда Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо импорт қилаётган давлатнинг божхона хизматларига тақдим этиш зарур:

- Коносамент (BL).
- Коносамент FIATA.
- Автотранспорт юкхати (CMR).
- Авиатранспорт юкхати (AWB).
- Темир йўл транспорти юкхати (CIM).
- Карнет ATA.
- Халқаро йўл ташувлари дафтарчаси (TIR).

Олиб киришга доир божхона декларацияси (SAD). Европа Иттифоқига (ЕИ) импорт қилинаётган барча товарлар аъзо давлатнинг тегишли божхона органларида Ягона маъмурий ҳужжат (SAD) орқали эълон қилиниши керак. Ушбу ҳужжат Европа Иттифоқининг барча аъзо давлатлари учун товар олиб киришга доир божхона декларациясининг стандарт шаклидир ва Ҳамжамиятнинг божхона кодексини тасдиқлаш түгрисидаги 2913/92-сонли Кенгаш Регламентида (ЕИХ) белгилаб берилган.



Декларация божхонасида расмийлаштирилаётган аъзо давлатнинг божхона органлари томонидан рухсат берилган Европа Иттифоқининг расмий тилларидан бирида тузилган бўлиши керак.

Олиб киришга доир божхона декларацияси SAD:

- божхона органларининг тизимига уланган рухсат берилган компьютер тизимидан фойдаланган ҳолда ёхуд;
- божхона органларининг тегишли идорасига етказиб бериш орқали топширилади.

Декларацияядаги асосий маълумотмаълумотни курсатиш зарур:

- операцияга жалб қилинган томонларнинг (импорт қилувчи, экспорт қилувчи, вакил ва ҳоказоларнинг) идентификация маълумотлари;
- божхона органлари томонидан маъқулланган тартиб-таомил (эркин муомала га чиқариш, ички истеъмолга чиқариш, вақтнчалик олиб кириш, ўтказиш ва ҳоказо);
- юкларнинг идентификация маълумотлари (TARIC коди, вазни, бирлиги), жойлашган жойи ва ўрами;
- ташиш усули тұгристада маълумот;
- товар ишлаб чиқарылған мамлакат, уни экспорт қилаётган мамлакат ва товар жўнатилаётган мамлакат тұгристадаги маълумотлар;
- тижорат маълумоти ва молиявий маълумот (Инкотермс, счёт-фактурага мувофиқ қиймат, счёт-фактура валютаси, алмашиш курси, суғурта ва ҳоказо);
- олиб киришга доир божхона декларациясига илова қилинадиган ҳужжатлар рүйхати SAD (олиб кириш учун рухсат, кўздан кечириш сертификатлари, товар ишлаб чиқарылған мамлакат тұгристадаги ҳужжат, транспорт ҳужжати, тижорат счёт-фактураси);
- олиб киришга доир декларация ва солиқ тұлаш усули (божхона божлари, ҚҚС, акцизлар ва ҳоказолар).

Олиб киришга доир декларация SAD саккиз нусхада топширилади; оператор бланкаларни операция турига қараб тұлық ёки қисман тұлдиради.

ИЧКИ СОЛИҚ СОЛИШ



Қўшимча қиймат солиги (ҚҚС). Импорт қилинаётган товарларга ҚҚС солинади. Бу солиқ, одатда, товарни эркин муомалага чиқариш мақсадида божхонада расмийлаштириш тартиб-таомилларини бажариш вақтида ундирилади. Агар товарлар битта аъзо давлатта импорт қилинаётган бўлиб, бошқа давлатда истеъмол қилишга ёки фойдаланишга мўлжалланган бўлса, бундай товарларга ҚҚС тұлашни қолдириш режими қўллаш мумкин. Ушбу режим доирасида ҚҚС товар Европа Иттифоқига олиб кирилган аъзо давлатда эмас, балки товар жўнатилаётган мамлакатда ундирилади.



Солиқ солиниши лозим бұлған битимлар товарлар ва хизматлар етказиб берилади-
ған аъзо давлат томонидан маъқулланған ставкалар ва қоидалар билан тартибиға со-
линади.

! Товарингиз учун ҚҚС ставкаси миқдорини «Менинг экспортим»
бұлымидағи «Экспортни күллаб-құвватлаш хизматы»нинг
www.exporthelp.europa.eu сайтидан билиб олиш мүмкін. «Тала-
блар ва солиқлар» бұлымида ҚҚСни излашда товар жұнатилаёттан мамла-
катни күрсатиш зарур, чунки Европа Иттифоқининг турлы мамлакатларида
ҚҚСнинг ҳар хил ставкаларидан фойдаланилади (1-илова).

Импорт учун ҚҚС тұлаш божхона божлари тұлаш каби амалга оширилади. Солиққа
тортилаёттан шахс Ягона маъмурый хужжатни тұлдириши ва божхона органларига
күрсатиши керак. Ушбу хужжатда товар қыймати, унинг келиб чиқиши, юкни қабул
қылувчы, товар жұнатилаёттан пункт, нархи, вазни ва ҳоказолар ҳақидаги маълум-
отлар булиши керак.

 **Акциз үйгимлари.** Акциз үйгимлар истеъмолчининг соглиғига зарап ет-
казаёттан ёки атроф-мухитни ифлоспантараёттан товарларга солинади-
ған билвосита солиқлардир. Үйгимлар истеъмолчи учун товарнинг нар-
хини оширади, шу орқали уларнинг истеъмол қилиниши ва ушбу товарлар
чиқарадиган чиқиндилар миқдори камайишини рағбатлантиради.

Акциз үйғими солинадиган товарларни күчириш ва сақлашнинг 2008/118/
ЕИ Директиваси билан белгиланған **умумий қоидалари** минерал ёқилғи,
тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкогол ҳамда алкоголли ичимликларни үз
ичига олади.

ЕИ томонидан белгиланған ставкалар энг кичик ставкалардир. Аъзо давлатлар үз
әхтиёжларига мувофиқ юқориго солиқ ставкасини белгилаши мүмкін.

Импорт тарифлари

Тарифларни ундириш ёки бекор қилиш халқаро савдо сиёсатининг энг мұхим
жиҳатларидан биридир. Савдо тарифи – бу давлатларнинг (ёки божхона
иттифоқларининг) сиёсий чегараларини кесиб үтаётган товарларга солинади-
ған солиқ ёки боядир. Импорт учун божлар энг көнд тарқалған божлардир ва
бошқа мамлакатдан олиб кирилаёттан товарларга солинадиган солиқни үз ичи-
га олади.

Таснифлашга доир қарор. Европа Иттифоқининг таснифлашга доир қарорининг
тизими экспорт учун мүлжалланған товарларнинг тариф таснифини туғри белги-
лашга ёрдам беради.

Таснифга доир қарорни олиш учун товарларни экспорт қылмоқчи бұлған Ев-
ропа Иттифоқыға аъзо давлатнинг божхона органига **Таснифга доир қарор**
олиш учун ариза шаклидан фойдаланиб ариза топшириш зарур. Тасниф-



га доир қарор қайси аъзо давлат уни қабул қилганидан қатъий назар Европа Иттифоқининг бутун худудида амал қиласди.

Таснифга доир қарор сиз экспорт қилмоқчи бўлган товарларнинг тариф таснифи ҳақида яқдил юридик маълумот беради. Бу маълумот божхона божла-рини ва импорт лицензиясини олиш зарурати мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш учун асосдир.

Одатда, таснифга доир қарорнинг амал қилиш муддати 6 йилни ташкил этади.

Миллий божхона органлари томонидан тақдим этилган барча таснифга доир қарорлар Таснифга доир қарорларнинг Европа маълумотлар базасида сакланади.

ЕИ тарифлари бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар. Товарларнингизга нисбатан қандай тариф қўлланилиши ҳақида Экспортни қўллаб-куватлаш хизмати сайтининг Менинг экспортим бўлимидан билиб олиш мумкин.

Шунингдек «Импорт тарифлари» бўлимида тариф квоталари, демпингга қарши божлар ва импортнинг стандарт қиймати ҳақида маълумотлар мавжуд.



Экспортни қўллаб-куватлаш хизматининг сайтида жойлаштирилган маълумот «уйғунлашган қонун-қоидаларга асосланган». Бу ушбу қонун-қоидалар Европа Иттифоқининг барча 28 та мамлакатида амал қилишини англатади. Демак, Экспортни қўллаб-куватлаш хизматининг сайтида импорт тарифини излашда товар жўнатилаётган мамлакатни кўрсатиш шарт эмас. Божхона иттифоқи доирасидаги импорт тарифлари тўгрисидаги маълумот Европа Иттифоқининг барча аъзо давлатлари учун амал қиласди.



Erga Omnes божи. Товарларни Европа Иттифоқига экспорт қилишда тўлаш зарур бўлган импорт тарифлари бўйича маълумотни излаш вактида Экспортни қўллаб-куватлаш хизматининг сайтида «erga omnes» деган тариф тез-тез тилга олинади.

Erga omnes – барча учун амал қиласидиган мажбуриятлар ёки ҳукуқларни англатувчи юридик терминидир. Масалан, агар товарга нисбатан «erga omnes» божхона божидан фойдаланилса, у барча мамлакатлардан олиб кириладиган товарларга нисбатан қўлланилади.

Бироқ товарларни ривожланаётган мамлакатлардан ЕИ бозорига импорт қилиш учун фойдали шартлар назарда тутилган. Тўлиқ тарифни ёки умуман ҳеч қандай тарифни тўлашингизга тўғри келмаслиги мумкин. Шу сабабли «erga omnes» тарифи ёнида мамлакатингиз учун преференциал келишувни ва тегишли имтиёзли тарифларни топиш мумкин.

Мамлакатингиз учун ЕИ билан бир қанча преференциал келишувлар назарда тутилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда Сиз талабларга риоя қилиб, энг фойдалисини танлайсиз.



Жаҳон савдо ташкилотининг тилида «Erga omnes», одатда, «имкон қадар қулайлик яратиб бериш режими татбиқ этиладиган давлат» деб ҳам аталади.

Техник талаблар



Европа Иттифоқига олиб кириладиган товарлар истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун ЕИнинг техник талабларига жавоб бериши керак. Асосий талабларни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: **товарларнинг хавфсизлиги, стандартлаштириш, ўраб-жойлаштириш ва белги қўйиш**.

Товарларнинг хавфсизлиги. Товарларнинг хавфсизлигига нисбатан ЕИ сиёсатининг умумий принциплари 2001/95/ЕИ Директиваси билан белгиланган.

Ишлаб чиқарувчилар ва дистрибьюторларга қўйидаги мажбуриятлар юкландади:

- хавфсизликнинг умумий талабларига мувофиқ бўлган товарларни етказиб бериш;
- харидорларни товар билан боғлиқ таваккалчиликлар ва қўрилиши мумкин бўлган эҳтиёткорлик чоралари тўғрисида хабадор қилиш;
- товарнинг хавфсиз эмаслиги аниқланган тақдирда федерал ҳокимиятнинг тегишли органларини хабардор қилиш истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида уларга ёрдам бериш.

Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ЕИ даражасида ташкил этилган муайян механизмлар ёрдамида бозорни назорат қиласидар ва товарларнинг хавфсизлиги қоидалари бажарилишини таъминлайдилар.

Товарлар хавфсизлигининг умумий қоидаларидан ташқари маҳсулотларнинг муайян тоифалари учун маҳсус тармоқ қоидалари амал қиласди.



Стандартлаштириш. Стандартлаштиришга нисбатан ЕИ сиёсатининг асосий принциплари 85/C136/01 қарорида белгиланган.

● «ескича ёндашув»: техник ва тафсилотли принциплар аниқ буюмларга йўналтирилган, ҳозиргача озиқ-овқатлар, автотранспорт во-ситалари, кимёвий маҳсулотлар, пардоз-андоз буюмлари, синтетик кирювиш воситалари, биоцидлар ва фармацевтика буюмларини тартибга солувчи йўл-йўриқлар.

- «янгича ёндашув»:
 - хавфсизлик ва саломатликни муҳофаза қилиш буйича мажбурий умумий талаблар. Улар товарлар гуруҳларига ёки оиласига нисбатан қўлланилади ва ЕИ бозорида сотиш учун товарлар уларга мувофиқ булиши керак (масалан, саломатликни муҳофаза қилиш, хавфсизлик, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш);
 - аниқ бир буюмларнинг техник параметрлари уйғунлаштирилган стандартлар билан белгиланиши мумкин — ушбу стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган товарлар умумий талабларга мувофиқдир деб ҳисобланади.



ЕИ аъзо давлатларга уйғуллаштирилган стандартларни құллашни тавсия этади.

Мувофиқпикни тасдиқлаш тартиб-таомили. Товарларнинг техник стандартларни уйғуллаштиришга нисбатан йүл-йүрікпар билан белгиланған мажбурий талабларга мувофиқпигини тасдиқлашни:

- ишлаб чиқарувчи, ёки;
- учинчи томон бажаради.

Хар бир Европа Иттифоқи мамлакатининг «Ваколатли органлари» учинчі томон жалб қилиш тәқдидирида мувофиқпикни тасдиқлаш учун жавоб берадилар.



«СЕ» мувофиқпик белгиси. СЕ белгиси маҳсулот барча құлланиладынан йүл-йүрікпар билан белгиланған асосий талабларга мувофиқпиги ва мувофиқпикни тасдиқлашдаги тегишли тартиб-таомилидан үтгандыгын күрсатади.

СЕ белгиси:

- учинчи томоннинг күмаги талаб қилинадын ҳолатларда ишлаб чиқаришни на- зорат қилиш босқичида жалб этилған ваколатли ташкилотнинг идентификация рақами күрсатылған ҳолда «СЕ» белгиси күрнишидеги ягона шактга әгадір;
- буюмнинг үзиге, унинг қадогига ёки илова қилинадын хужжатта босилади;
- тегишли буюмни ЕИ бозорида тарқатыш имконини беради.

Хар бир аъзо давлат бозорига жойлаштирилған товарларнинг зарур талабларга мувофиқпигини текшириш мақсадида амалға ошириладын бозор назорати учун масъул бүлған органларни таъсис этадилар. Назорат чоралари хужжаттарни текширишін ва/ёки күздан кечиришни үз ичига олиши мумкин.

Белги қўйиш. ЕИ худудига тарқатиладын товарлар Европа Иттифоқининг белги қўйиш бўйича талабларига мувофиқ булиши керак, қўидагилар унинг мақсади ҳисобланади:

- харидорнинг соглиги, хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- товар түғрисидаги маълумотларни тақдим этиш — таркибида нималар борлиги, таркиби, хавфсиз фойдаланиш ва эҳтиёткорликнинг маҳсус чоралари ва шу кабилар.

Ўраб-жойлаштириш. ЕИ худудида ёйилған ўрамлаш атроф-мухитни муҳофаза қилиш талабларига ва харидорларнинг саломатлиги учун таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқылған талабларга мувофиқ булиши керак.

- ўраб-жойлаштиришга ва ўрамлаш чиқиндиларига қўйиладын умумий талаблар (94/62/ЕИ Директиваси);
- қадоқлаш ўлчами (2007/45/ЕИ);
- озиқ-овқат маҳсулотлари ўраб-жойлаштирилиши учун мұлжалланған материаллар ва буюмлар учун маҳсус қоидалар (№ 1935/2004 Регламент (ЕИ)).



ЭКСПОРТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КУРИШ: БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ

1



Бозорни урганиш



2



Потенциал харидорни излаш



3



ЕИ мамлакатидаги мажбурий талабларни аниқлаш
Харидорнинг алоҳида талабларини аниқлаш



4



Озиқ-овқат қонунчилигининг
умумий талабларини бажариш



5



Маҳсулотнинг ушбу тури учун маҳсус
талабларни бажариш



6



Харидорнинг алоҳида талабларини бажариш



7



Харидорлар билан музокаралар олиб бориш
Экспорт шарномасини тузиш







2

Экспорт қилишга тайёргарлик қүриш: босқичма-босқич

Демак, маҳсулотни Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишга тайёргарлик қүриш учун ишни нимадан бошлаш лозим?



Бозорни үрганиб чиқинг.



ЕИ мамлакатида маҳсулотингизнинг потенциал харидорини тоғинг.



Маҳсулот жўнатилаётган мамлакатда унга қандай мажбурий талаблар қўйилишини, шунингдек маҳсулотингиз потенциал харидорининг қўшимча шарт-шароитларини аниqlанг.



Агар Сиз Европа Иттифоқига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишини режалаштираётган бўлсангиз, Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларига ҳам, маҳсулотнинг ушбу турига қўйилган маҳсус талабларга ҳам риоя қилишингиз керак.



Маҳсулотингиз Европа Иттифоқининг маҳсус талабларига мос келишини текшиiring.



Маҳсулотингизга қўйиладиган маҳсус талаблар ҳақида Европа Иттифоқининг Экспортни қўллаб-куватлаш хизмати сайтидан Export Helpdesk (www.exporthelp.europa.eu) билиш олишингиз мумкин.





Озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенасининг умумий қоидалари



Ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлигини таъминлаш учун жавоб беришини ёдда тутиңг



Сиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хом ашё босқичидан тортиб, барча босқичигача, шунингдек ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тақсимлашнинг барча босқичларида гигиенанинг асосий талабларига риоя этилишини кафолатлашингиз керак.



Маҳсулотнинг микробиологик зааррланиш даражасини назорат қилиш зарур.



Маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёни НАССР принципларига мувофиқ келиши керак.

НАССР (Hazard Analysis and Critical Control Points – таҳдидларни таҳлил қилиш ва жиҳдий назорат нутқалари) – бу таҳдидлар пайдо бўлишининг олдини олишга асосланган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашга тизимли ёндашувдир. Бу тизим озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг хавфли вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган барча босқичларида назоратни таъминлайди.

Алиментариус кодекси комиссияси каби халқаро ташкилотлар сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлар кўзғатадиган касалликларнинг олдини олишнинг энг самарали усули сифатида НАССР қўлланилишини маъқуллади. Европа Иттифоқи мамлакатларида озиқ-овқат саноатида фаолият кўрсатадиган компаниялар озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида НАССР принципларига асосланган тизимларни ишлаб чиқиши талаб этилади.



Заарли моддаларни назорат қилиш

- Маҳсулотингиз қайси заарли моддаларга (микотоксинлар, оғир металллар, селитрага) текширилиши кераклигини ва уларнинг рухсат берилган максимал даражасини билиб олинг.
- Лаборатория синовларини утказинг ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг мавжудлиги ва миқдорини кўрсатувчи баённомаларни тузинг.



- Маҳсулотингиз таркибида лимитдан юқори белгиланган ифлослантирувчи моддалар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг.



Пестицид қолдиқларини назорат қилиш

- Ўсимликларни ҳимоя қилиш учун Сиз фойдаланаётган фаол моддалар ЕИ Пестицидлари маълумотлар базасига киритилганлигини текширинг
- Маҳсулотингиз таркибида Европа Иттифоқида белгиланган лимитлардан ортиқ пестицидлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг



Фитосанитария назорат

- Маҳсулотингиз Европа Иттифоқининг фитосанитарияга доир қонун хужжатларига мос келишига ва таркибида ЕИ ҳудудида олиб кириш тақиқланган организмлар йўқлигига ишонч ҳосил қилинг
- Ўсимликларни карантин қилиш буйича давлат инспекциясидан фитосанитария сертификатини олинг (кечи билан маҳсулот белгиланган мамлакатга жўнатилиладиган санадан 14 кун аввал).



Бозор стандартлари

Маҳсулотингизнинг сифати ҳўл мева ва сабзавотлар учун белгиланган ЕИ бозор стандартларига мос келишини текширинг



Озиқ-овқат маҳсулотларига белги (маркировка) қўйиш

Маҳсулотингиз маркировкаси ЕИ белги қўйиш қоидаларига мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилинг.



Харидорнинг қўшимча талаблари

Маҳсулотни харид қилувчилар ЕИ қонун хужжатларида белгиланган мажбурий талабларга қўшимча равища маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнларига, унинг хавфсизлиги ва сифатига, ўрамига, белгисига ва ҳоказоларга ўзига хос талаблар қўйишлари мумкин. Масалан, тегишли қишлоқ хўжалиги амалиёти талабларига (Global GAP) ёки озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими стандартларига (ISO 22000, FSSC 22000, BRC ва ҳоказоларга) мувофиқ келишини талаб қилишлари мумкин.

Global GAP (Good Agricultural Practice) – мақбул қишлоқ хўжалик амалиётини таъминлаш учун стандартлар тизими.

Бу дастлаб Европа озиқ-овқат маҳсулотлари ретейлерлари гурӯҳи томонидан ишлаб чиқилган иختиёрий стандартлар (EurepGAP) бўлиб, улар ҳозирги вақтда жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сертификатлаштириш учун қўлланилмоқда.



GLOBAL GAP стандарти НАССР принциплариға аосланған ҳамда қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарып ресурслардан то «фермер хұжалиғи дарвозаларигача» бўлган бутун жараёнини қамраб олади.

ISO 22 000 – озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида ISO стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган менежмент тизими халқаро стандартлариридир.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш занжирида жойлашган барча ташкилотларга қўйилган талаблар» ISO 22000:2005 стандарти озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини бошқариш тизимига қўйилган талабларни белгилайди. Ушбу тизимга мувофиқ келиш учун сертификациядан ўтиш мумкин. Стандарт НАССР ва сифат менежменти тизимларининг принципларини бирлаштиради.

ISO 22000 стандарти талаблари бошқа ISO стандартлари талаблари билан уйғунлаштирилган ва менежментнинг интеграциялашган тизимига жорий этилиши мумкин. Стандарт исталган ташкилотда унинг катта-кичиклик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарып занжирида тутган ўрнидан қатъи назар қўлланилиши мумкин.

FSSC 22 000 – озиқ-овқат хавфсизлиги тизимларини сертификатлаштиришнинг янги схемасидир.

Бу схема:

- «Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги менежменти тизими. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш занжирида жойлашган барча ташкилотларга қўйилган талаблар» ISO 22000:2005 стандартига;
- «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарып озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигининг дастлабки шартлари дастури» BSI PAS 220:2008 умумий фойдаланиладиган спецификацияга аосланган.

BRC (British Retail Consortium Standard for Food Safety) – Британия савдо тармоқлари консорциуми томонидан ишлаб чиқилган озиқ-овқат хавфсизлиги стандарти.

Стандарт кўйидаги муҳим жиҳатларга аосланган:

- НАССР принципларини жорий этиш;
- сифат менежменти тизимининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқарып стандартларини, маҳсулотни, жараёнларни ва ходимларни назорат қилиш.

Стандарт барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун мўлжалланган. BRCга кирувчи озиқ-овқат маҳсулотларини савдо тармоқларига етказиб берувчи корхоналар ушбу стандартга мувофиқ келиши керак.



Агар Сиз маҳсулотингиз сифат ва хавфсизлик параметрлари бўйича Евropa Иттифоқининг мажбурий талабларига, шунингдек потенциал харидорингизнинг қўшимча талабларига мувофиқ келишига ишончингиз комил бўлса, Сиз экспорт шартномасини тузиш бўйича музокаралар ўтказишни бошлашингиз мумкин.



Қўлланманнинг кейинги бўлимларида Сиз мева-сабзавот маҳсулотларини ЕИ мамлакатларига импорт қилишда қўйиладиган маҳсус талабларнинг батафсил таърифини топишингиз мумкин, шунингдек қайд этилган талабларнинг қайси бирлари айнан Сизнинг маҳсулотингизга қўйилишини билиб оласиз.



3

Қизиқтирган маълумотни қандай топиш мумкин?



Экспортни құллаб-кувватлаш хизматининг сайты аниқ товарлар бүйіча импортта құйилған талаблар, импорт қилиш учун олинадиган бож, товарнинг кепиб чиқишига доир талаблар ва савдо статистикасига тааллукпен маълумот тақдим этилища тизимли ёндашувга асосланған.

Маҳсулот тұғрисида маълумот олиш учун товарнинг үз товарингизге тұғри келади-ған тұғри кодини киришиш талаб этилады (кодлар Бирлаштирилған номенклатурада күрсатылған –Үйгүнлаштирилған тизим номи билан танилған халқаро тасніф асосидеги ЕИ товарлари рүйхаты).

Товарнинг тұғри кодини топиш учун Экспортни құллаб-кувватлаш хизмати томонидан тақдим этилған иккита воситадан фойдаланишингиз мүмкін: «Шарх» ва «Излаш» (хар бир бүлімде маълумотларини киришиш учун «Товар коди» майдони мавжуд).

Маҳсулотингизни импорт қилишга құйилған талабларни билиш учун «Менинг экспортим» сақиғасида маҳсулотнинг тариф рақамини, ишлаб чиқарылған мамлакатни ва жүннатилаёттан мамлакатни киришинг.

http://exporthelp.europa.eu/thdapp/display.htm?jsessionid=6366BD4EAAF5516839F6673FCF16170?page=form%2fform_MoiEksport.html&docType=main&languageId=r u&status=null

The screenshot shows the European Commission's Export Helpdesk interface. At the top, there is a logo of the European Union flag and the word "TRADE". Below it, the page title is "Export Helpdesk". The navigation bar includes links like "Главная страница", "Мой экспорт", "Требования", "Тарифы", "Предпочтительные договоренности", "Статистическая информация", "О нас", and "Ресурсы". The main content area is titled "Мой экспорт" and contains several input fields: "Введите код товара (10-значный)" with a placeholder "Выберите страну происхождения", "Выберите страну назначения" with a dropdown menu, and "Выберите расчетную дату (DD/MM/YYYY)". There is also a "Обзор или Поиск" button. A large blue "Важно" button is located at the bottom right.

Мисол учун томатларга мос келадиган тариф рақамини топамиз. «Менинг экспортим» саҳифасида «Шарх ёки Излаш» функцияси ёрдамида «Гурухлар рўйхатини» очинг.

Раздел / Группа	Название категории/группы/подкатегории
Группа 01	Живые животные
Группа 02	Месо и птичье мясо и мясные продукты
Группа 03	РЫБА И РАССОВАЯ, МОЛЮСКИ И ДРУГИЕ ВОДНЫЕ ЖИВОПРОДУКТЫ
Группа 04	МЯСНЫЕ ПРОДУКТЫ: ЖИВАЯ ПТИЦА, НЕ КИСЛОТАРНЫЙ; ЖИВЫЕ ГРУДКИ ЖИВОТНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ, НЕ ПЕРЕЧИСЛЕННЫЕ В ДРУГИЕ РАЗДЕЛЫ
Группа 05	ПРОДУКТЫ ЖИВОТНОГО ПРОИСХОЖДЕНИЯ, НЕ ПЕРЕЧИСЛЕННЫЕ И НЕ ВКЛЮЧЕННЫЕ В ДРУГИЕ РАЗДЕЛЫ
Группа 06	Продукты растительного происхождения:
Группа 07	живые деревья и другие частички; листья, корни и прочие аналогичные части растений; срезанные цветы и декоративные зелень
Группа 08	свежий и некоторые съедобные корнепродукты; и кулинарные
Группа 09	СЪЕДОБНЫЕ ФРУКТЫ И ОРХЕИ; КОЖУХ ЦВЕТКОВЫХ ПРОДОВОЛЬСТВИЙ ИЛИ КОРЫ ДРУГИХ
Группа 10	кофе; чай, напр., из парижской чай, и бриони
Группа 11	злаки

«Ўсимлик маҳсулотлари» II бўлимида «Сабзавотлар ва айрим истеъмол қилиб бўладиган илдиз мевали ўсимликлар» 07 гурухини танланг. 0702 коди «Янги ва совитилган томатлар» маҳсулотига мувофиқ келади.

Ном	Описание изделия
07	ОВОЩИ И НЕКОТОРЫЕ СЪЕДОБНЫЕ КОРНЕПРОДУКТЫ И КУЛИНАРНЫЕ
0701	Юстифика, соки и сокосидерии;
0702	Тимчики сирени или салатиданини;
0703	Опека, шелот, гарчи, леки и ойтт айланча корнепродукт, fresh or chilled
0704	салатида, сашимида, консерв, кан и ошган яйда вакансас, fresh or chilled
0710	Lettuce (Латука зелёная) илб салату (Lистья зелёные), fresh or chilled
0716	Нарзиз, рета, сандал столавы, козлобородин, сильдархан корнепродукт, редис и прочие аналогичные съедобные корнепродукты, салати и кулиниаданини;
0717	Огурец и кабачин, салати или салатиданини;
0718	бобовые овощи, лущенные или нарезанные, свежие или охлажденные;
0719	Свежий пречине, салати или салатиданини;
0720	Овощи (корни или зелёные в вода или на пару) замороженни;
0721	Vegetables (овощи) приготовлены (например, быстрого замораживания, in water, in sulphur water or in other preservative solutions), but unsuitable for heat, taste for immediate consumption



«Менинг экспортим» саҳифасида маҳсулотнинг 10та сондан иборат рақамини (0702000000), товар ишлаб чиқарилган мамлакатни (Узбекистон), жўнатилаётган мамлакатни (Германия) ва ётказиб бериш режалаштирилган санани (01/07/2014) киритинг. «Излаш» функциясини танланг.

The screenshot shows the European Commission's Export Helpdesk interface. On the left, there is a sidebar with links: Главная страница, Мой экспорт, Требования, Тарифы, Договоренности между странами, Статистическая информация, О нас, Ресурсы. The main area has a title 'TRADE' and 'Export Helpdesk'. Below it, there is a breadcrumb navigation: Европейская комиссия > Торговля > Экспорт Наций > Мой экспорт. The search form includes fields for 'Введите код товара (10-значный)': 0702000000, 'Выберите страну происхождения': Узбекистан, 'Выберите страну назначения': Германия, and 'Выберите расчетную дату (рекомендовано)': 01/07/2014. A 'Поиск' button is at the bottom right of the form.

«Талаблар» саҳифасида Сиз ушбу маҳсулотни Европа Иттифоқига импорт қилишда қўйиладиган маҳсус талабларни топишингиз мумкин. Ҳар бир талаб бўйича ҳаволани танлаётиб, тегишли қонун хужжатларини, зарур хужжатлар намуналарини, Европа Иттифоқидаги масъул ташкилотларнинг манзилларини топиш мумкин. Шунингдек ушбу саҳифада Европа Иттифоқининг танланган мамлакатидаги ички солиқ солиш тўғрисида маълумот кўрсатилган (ҚҚС ва акциз йигими ставкалари).

The screenshot shows the European Commission's Export Helpdesk interface. On the left, there is a sidebar with links: Главная страница, Мой экспорт, Требования, Тарифы, Договоренности между странами, Статистическая информация, О нас, Ресурсы. The main area has a title 'TRADE' and 'Export Helpdesk'. Below it, there is a breadcrumb navigation: Европейская комиссия > Торговля > Экспорт Наций > Мой экспорт. A message says: 'Этот экспорт заявление не соответствует ни одному из требований, то есть оно не может быть подано в ЕС.' Below this, there is a link: 'Нажмите здесь, чтобы увидеть все требования для этого экспортного заявления' (Click here to see all requirements for this export declaration). The page lists 'Требования' (Requirements) for 'Товары / Торговля / Технические требования' (Goods / Trade / Technical requirements) with code '0702000000'. It includes sections for 'Акциз' (Excise), 'Импортные пошлины' (Import duties), and 'Односторонние ограничения' (Unilateral restrictions). A section titled 'Специальные требования и 07020000' lists: 'Компания, представляющая заявку в Европейской комиссии', 'Специальный документ подтверждения того, что товары не подпадают под запрет на экспорт', 'Согласие с условиями, которые установлены в Договоре о Европейском союзе', 'Проверка соответствия товаров стандартам', 'Изменение или отмена заявки', 'Заявление о замене заявки', 'Заявление о прекращении действия заявки', and 'Заявление о возврате товаров, полученных в соответствии с условиями заявки'. At the bottom, there is a section titled 'Внутреннее налогобложение' (Internal taxation) with links: 'ЧП НОС (Декларация)' (Declaration of VAT) and 'Национальный ИБОУ (Декларация)' (Declaration of National VAT).

«Тарифлар» сағиғасида Сиз импорт тарифлари, шунингдек ЕИ мамлакатларида ушбу маҳсулотларга берилган преференциялар тизими тұғрисидаги маълумотни топишингиз мүмкін.

The screenshot shows the European Commission's Trade Helpdesk interface. The main title is "TRADE" and the sub-page is "Export Helpdesk". On the left sidebar, there are links for "Главная страница", "Мой экспорт", "Требования", "Тарифы", "Предференциональные договоренности", "Статистическая информация", "О нас", and "Реквизиты". The main content area has a heading "Мой экспорт" and a note about GSP changes: "Important changes in the EU's GSP scheme may impact on the EU import conditions for your country as of 01/01/2014. Please double-check here if you can still use preferential tariffs in 2014. More information: [New GSP as of 2014](#)". Below this, there are three tabs: "Требования", "Тарифы" (selected), and "Обобщенная система преференций". A table lists commodity codes and descriptions:

Код	Описание изделия
07	овощи и некоторые съедобные корнеплоды и клубнеплоды
0702	томаты свежие или сожженные
0702 00 00 07	-вяленые томаты
0702 00 00 99	-дрожжи

Below this is another table showing tariff details:

Происхождение	Тип единицы измерения	Тариф	условия	Примечаниe	Законодательство ЕС
ERGA OMNES	Помощь третьих стран	Цена на экспортную		EB001	R1001/13
ERGA OMNES	Непредференциональная	Цена на экспортную	плюс 10%	EB001	R0973/06
ERGA OMNES Армения, Абхазия, Бывшая Югославская Республика Македония, Марокко, Турция	Стандартная информативная стоимость	52,6 EUR/100 kg			R0584/14

Footnotes:

- PF001 Duty rate linked to entry prices system

Последний Европейский документ по изменениям в законодательстве о ЕС | Last EU document on changes in legislation | 11/06/2014

Он, также [также не имеет в ЕС](#)



4

Европа Иттифоқи мамлакатларига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишда қўйиладиган маҳсус талаблар



Агар Сиз Европа Иттифоқига мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий қоидаларига ҳам, маҳсулотнинг ушбу турига қўйилган маҳсус талабларга ҳам риоя қилишингиз керак.

Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий талаблари



Европа Иттифоқининг озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг айrim талаблари Европа Иттифоқига экспорт қилинаётган барча озиқ-овқат маҳсулотларига ва озуқага кўлланилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа операторлари озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озуқа ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг барча босқичларида қўйидаги талабларга риоя қилиши керак:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш (мувофиқлик ёки эквивалентлик).
2. Кузатиб текшириш мумкинлиги.
3. Импорт қилувчиларнинг жавобгарлиги.

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш (мувофиқлик ёки эквивалентлик). Импорт қилинаётган озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли талабларига ёки ЕИ томонидан тенг қийматли деб эътироф этилган шартларга мувофиқ келиши керак. Экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи маҳсулотингизнинг ЕИ талабларига мувофиқ келиши ёки уларга тенг эканлиги тўғрисида кафолат бериши керак.

2. Кузатиб текшириш мумкинлиги. ЕИ қонуни кузатиб текширишни озиқ-овқат маҳсулотларида фойдаланиладиган исталган озиқ-овқат маҳсулотлари, озуқа ва ингредиентларни ишлаб чиқаришнинг, қайта ишлашнинг ва тақсимлашнинг барча босқичларида кузатиш имконияти сифатида белгилайди. Гарчи кузатиш қоидалари Европа Иттифоқидан ташқарида қўлланмаса-да, ушбу талаб



маҳсулотингизни Европа Иттифоқига импорт қилувчига татбиқ этилади, чунки у маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакатдаги етказиб берувчини идентификация қилиши ва рўйхатдан ўтказиши керак.

Сиз озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи сифатида маҳсулотни тўғридан – тўғри етказиб берувчини ва қабул қилувчини билишингиз керак («бир қадам орқага – бир қадам олдинга» тамойили).

3. Импорт қилувчиларнинг жавобгарлиги. Ҳар қандай озиқ-овқат оператори каби сиз ҳам озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тақсимлашнинг барча босқичларида маҳсулот озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига жавоб беришини кафолатлашингиз ҳамда назоратингиз остида бўлган маҳсулотлар учун ушбу талабларнинг бажарилишини тасдиқлаш имкониятига эга бўлишингиз керак.



Қонун ҳужжатлари

- Европа парламенти ва Кенгашининг 178/2002-сонли Регламенти (OJ L-31 01/02/2002) (**CELEX 32002R0178**)



Маълумотнинг бошқа манбалари

Батафсилоқ маълумотни Соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича бош директоратнинг сайтидан топиш мумкин (DG SANCO):

- Озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тамойиллари:
http://ec.europa.eu/food/food/foodlaw/principles/index_en.htm
- Озиқ-овқат маҳсулотларини кузатиш:
http://ec.europa.eu/food/food/foodlaw/traceability/index_en.htm
- Операторларнинг жавобгарлиги:
http://ec.europa.eu/food/food/foodlaw/responsibilities/index_en.htm
- Озиқ-овқат операторларининг асосий мажбуриятлари тўғрисида лефлет:
http://ec.europa.eu/food/food/foodlaw/responsibilities/obligations_en.pdf

Европа парламенти ва Кенгashi Умумий озиқ-овқат маҳсулотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг 178/2002-сонли Регламентидаги 11, 12, 16, 17, 18, 19 ва 20-моддаларни амалга оширишга доир қўлланма бўлувчи кўрсатмалар:

http://ec.europa.eu/food/food/foodlaw/guidance/docs/guidance_rev_8_en.pdf



Ҳайвон хом ашёсидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш



Агар сиз мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, аҳоли соглиғига таҳдид соладиган хавфнинг олдини олишга ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги қоидалар ва талабларга риоя қилишингиз керак.

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенасининг умумий қоидалари. 852/2004-сонли Регламентда (ЕИ) белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенаси қоидалари озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барча босқичида унинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари операторлари қуйидаги қоидаларга риоя қилишлари керак:

- Озиқ-овқат маҳсулотлар ва жараёнларнинг хавфсизлигини назорат қилиш юзасидан жавоб бериш.

Агар маҳсулот ишлаб чиқарувчи ЕИ ҳудудидан ташқарида бўлса, бу мажбурият ишлаб чиқарувчининг Европа Иттифоқидаги вакилига ёки маҳсулотни импорт қилувчига тааллуқли булади.

- Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг илк босқичидан сунгти босқичигача, шунингдек ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тақсимлаш босқичларида гигиенанинг асосий талабларига риоя этилишини кафоролатлаш.
- Маҳсулотнинг микробиологик заарланиш даражасини назорат қилиш.
- Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари учун микробиологик мезонлар Комиссиянинг (ЕИ) 2073/2005-сонли Қарорида белгиланган.
- Тартиб-таомиллар НАССР принципларига мувофиқ келиши керак.
- Озиқ-овқат маҳсулотлари операторларини тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш.

2. Озиқ-овқат маҳсулотларидағи заарли моддаларга тааллуқли умумий талаблар. Озиқ-овқат маҳсулотларига (шу жумладан мева ва сабзавотларга) уларни ишлаб чиқариш, қадоклаш, ташиб ёки сақлашнинг турли босқичларида заарли моддалар тушиб қолиши ёки улар атроф-муҳитнинг ифлосланиши натижасида пайдо булиши мумкин. Бундай моддалар озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги учун ҳақиқий хавфни ўзида ифодалаши туфайли ЕИ озиқ-овқат маҳсулотларидағи айрим заарли моддалар учун максимал даражаларни белгилаб, хавфни камайтириш чора-тадбирларини кўрган.

а) озиқ-овқат маҳсулотларидағи айрим заарли моддаларнинг максимал даражаси. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, мевалар, сабзавотлар,



ёнгоқ, бошоқпі үсімліклар, мева шарбатлари ва ҳоказолар ...) бозорга жойлаштирилганды үларнинг ифлосланғанлық даражаси ЕИ комиссиясининг 1881/2006-сонли Регламентидә күрсатылған даражадан юқори бұлмаслиги керак.

Ууман олганда, зарарлы моддаларнинг максимал даражалари озиқ-овқат маҳсулоттарининг ейиладиган қисмінде ҳамда мураккаб озиқ-овқат маҳсулоттарини ишлаб чиқарып учун фойдаланиладиган таркибий қисмларға нисбатан құлланилади;

б) озиқ-овқат маҳсулотларыда батамом үйқ қилинмаган пестицидлар-нинг максимал даражалари. Европа Иттифоқыга айзат давлатлар агар таркибиде пестицидларнинг қолдиклар мавжуд бұлған айрим маҳсулотларда бундай қолдикларнинг миқдори одамларға номақбул хавф солиб, рухсат берилған максималь даражадан ортиқ бұлса, үларнинг бозорда жойлаштирилишини чеклаши мүмкін. Ушбу чекловлар күриштегінде пестицидлардың зақаралилігінде бояғылған;

ЕИ қонун ҳужжатлары қышлоқ ҳұжалиғи маҳсулотларидаги ёки уннинг янги узилганды, қайта ишланған шақпен шағында таркибиде пестицидларнинг қолдиклар бүлиши мүмкін бұлған озиқ-овқат маҳсулотлар таркибиде овқаттаға ишлатыш учун мұлжалланған қисмидегі пестицидлар қолдикларининг максимал даражаларини белгилаб беради;

в) озиқ-овқат маҳсулотларини радиоактив ифлослантиришнинг максимал даражалари. ЕИ қонун ҳужжатлары ядро ҳалокатидан ёки исталған бошқа фавқулодда радиологик вазияттадан кейин бозорда жойлаштирилиши мүмкін бұлған озиқ-овқат маҳсулотларининг радиоактив ифлосланишининг максимал мүмкін бұлған даражаларини белгилаб беради;

г) озиқ-овқат маҳсулотлари үраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материаллар. Озиқ-овқат маҳсулотлар қадоқланадиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материаллар ва буюмлар үз хусусиятларини озиқ-овқат маҳсулотларига инсоннинг саломатлығында хавф солмайдын қилиб, овқат таркибини номақбул йүл билан үзгартырмайдын қилиб ёки озиқ-овқат маҳсулотларининг таъми ва ҳидини ёмонлаштырмайдын қилиб тайёрланған бүлиши керак.

1935/2004-сонли регламент (ЕИ) аниқ чора-тадбирлар татбиқ этилиши мүмкін бұлған материаллар ва буюмлар (масалан, пластмасса, сопол буюмлар, резина, қофоз, шиша ва ҳоказолар) гурухлары рүйхатини, шу жумладан маъқулланған моддалар рүйхатини, фойдаланишининг үзиге хос шартларини, тозалик стандартлары ва ҳоказоларни белгилаб беради. Сопол буюмлар, қайта ҳосил қилинған целлюлоза ва пластика учун үзиге хос талаблар мавжуд.

3. Генетик модификацияланған (ГМ) озиқ-овқат маҳсулотларига ва озиқ-овқат маҳсулотларининг янги турларига (Novel food) қўйилған маҳсус талаблар.



Инсон саломатлигининг юксак даражасини таъминлаш мақсадида ЕИ қонун хужжатларида таркибида генетик модификацияланган организмларга эга ёки шундай организмлардан ҳосил қилинган маҳсулотларнинг бозорда жойлаштирилишига рухсат беришнинг ягона тартиб-таомили назарда тутилади.

Янги маҳсулотлар (масалан, кўп жиҳатдан ЕИ мамлакатларида 1997 йил 15 майга қадар инсон истеъмоли учун фойдаланилмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ингредиентлар) ҳам ЕИ бозорига жойлаштирилишидан аввал ҳавфсизлик нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

4. Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашнинг умумий шартлари. ЕИ қонун хужжатлари истеъмолчиларнинг саломатлигини асраш ва ЕИ бозорида озиқ-овқат маҳсулотларининг эркин муомалада бўлишини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотларини, озуқа ингредиентларини қайта ишлашга ҳамда улардан фойдаланиш шартларига таалукли нормаларни белгилаб беради.

Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари гурӯҳлари учун маҳсус қоидалар аниқ кўрсатмаларда баён этилган. Таркиб бўйича талаблар, гигиеник талаблар, кўшимчалар рўйхати, тозалик мезонлари, белгига қўйилган аниқ талаблар ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини назорат қилиш. 882/2004-сонли Регламент (ЕИ) Европа Иттифоқида озиқ-овқат маҳсулотларининг расмий назорат қилинишини ташкил этиш учун умумий қоидаларни белгилаб беради.

ЕИ аъзо давлатларининг ваколатли органлари импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг Европа Иттифоқининг истеъмолчилар соглиғи ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган умумий санитария қоидаларига мувофиқ қелишини таъминлаш учун улар устидан мунтазам назорат олиб боради.

Назорат Европа Иттифоқига импорт қилиш бўйича ва/ёки озиқ-овқат занжирининг исталган бошқа босқичи (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, тақсимлаш ва савдо) юзасидан амалга оширилиши ҳамда хужжатларни мунтазам текширишни, хужжатларга мувофиқликни саралаб текширишни ва зарур бўлгандা физик текширишни ўз ичига олиши мумкин.

Бундан ташқари, ЕИ комиссиясининг 669/2009-сонли Регламенти олиб кирилаётган айрим озиқ-овқат маҳсулотлари кириш пунктида маълум ёки янги пайдо бўлган таҳдидлар асосида кучли расмий назорат қилинишини белгилаб беради. Ушбу маҳсулотларни эркин муомалага чиқариш учун ушбу Қоидаларнинг низомларига мувофиқ Умумий кириш хужжатини (Common Entry Document – CED) тақдим этиш зарур.

Батағсилоқ маълумотни Соглиқни сақлаш ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича бош директоратнинг сайтидан топиш мумкин (DG SANCO):



Импорт қилиш талаблари ҳамда озиқ-овқат гигиенаси ва овқатланишни расмий назорат қилишининг янги қоидалари билан боғлиқ асосий масалалар:

http://ec.europa.eu/food/food/controls/index_en.htm

- **Қонун ҳужжатлари.** Ҳайвон хом ашёсидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш соҳасида Европа Иттифоқининг қонун ҳужжатлари:

EU legislation on health control of foodstuffs of non-animal origin.

http://exporthelp.europa.eu/update/requirements/ehir_eu14_02v001/eu/auxi/eu_heanahc_legislation.pdf

Маълумотнинг бошқа манбалари

- Импорт қилиш талаблари ҳамда озиқ-овқат гигиенаси ва овқатланишни расмий назорат қилишининг янги қоидалари билан боғлиқ асосий масалалар:
http://ec.europa.eu/food/international/trade/interpretation_imports.pdf
- Озиқ-овқат маҳсулотлари гигиенаси бўйича Европа Парламенти ва Кенгашининг 852/2004-сонли Регламентидаги (ЕИ) айрим низомларни амалга оширишга доир қўлланма бўлувчи ҳужжат:
http://ec.europa.eu/food/food/biosafety/hygienelegislation/guidance_doc_852_2004_en.pdf
- НАССР принциплари асосида тартиб-таомилларни амалга оширишга доир қўлланма бўлувчи ҳужжат, шунингдек озиқ-овқат саноатининг айрим корхоналарида НАССР принципларининг амалга оширилишига кўмаклашиб:
http://ec.europa.eu/food/food/biosafety/hygienelegislation/guidance_doc_haccp_en.pdf
- Озиқ-овқат маҳсулотларида ифлослантирувчи моддаларнинг қолдиқлари бўйича савол-жавоблар:
http://ec.europa.eu/food/food/chemicalsafety/residues/fcr_qanda_en.pdf
- Пестицидлар қолдиқларига доир ЕИ қонун ҳужжатларига кириш:
http://ec.europa.eu/food/plant/protection/resources/intro_en.pdf
- Европа Иттифоқида генетик модификацияланган организмлар бўйича савол-жавоблар:
http://ec.europa.eu/food/food/biotechnology/gmfood/qanda_en.htm
- Озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материалларга доир ЕИ қонун ҳужжатлари бўйича савол-жавоблар:
http://ec.europa.eu/food/food/chemicalsafety/foodcontact/qanda_booklet_en.pdf

Бошқа батафсилоқ маълумотни Соғлиқни сақлаш ва истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича бош директоратнинг сайтидан топиш мумкин (DG SANCO).



- **Микробиологик мезонлар:**
http://ec.europa.eu/food/food/biosafety/salmonella/microbio_en.htm
- **Озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддалар:**
http://ec.europa.eu/food/food/chemicalsafety/contaminants/index_en.htm
- **Пестицидлар қолдиқлари:**
http://ec.europa.eu/food/plant/protection/pesticides/index_en.htm и http://ec.europa.eu/food/plant/protection/resources/publications_en.htm
- **Пестицидларнинг максимал даражаси маълумотлар базаси:** http://ec.europa.eu/food/plant/protection/pesticides/database_pesticide_en.htm
- **Озиқ-овқат масулотлари ва озуқа бўйича тезкор хабардор қилиш тизими портали (RASFF) Portal – on-line қидирув учун маълумотлар базаси:**
http://ec.europa.eu/food/food/rapidalert/rasff_portal_database_en.htm
- **Генетик модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари:**
http://ec.europa.eu/food/food/biotechnology/gmfood/index_en.htm
- **Янги маҳсулотлар:**
http://ec.europa.eu/food/food/biotechnology/novelfood/index_en.htm
- **Овқатга ишлатиладиган қўшимчалар:**
http://ec.europa.eu/food/food/fAEF/additives/index_en.htm
- **Озиқ-овқатни хушбўй қиласидиган қўшимчалар:**
http://ec.europa.eu/food/food/fAEF/flavouring/index_en.htm
- **Озиқ-овқат радиацияси:**
http://ec.europa.eu/food/food/biosafety/irradiation/index_en.htm
- **Maxsus озиқ-овқат мақсадлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари:**
http://ec.europa.eu/food/food/labellingnutrition/nutritional/index_en.htm
- **Озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материаллар:**
http://ec.europa.eu/food/food/chemicalsafety/foodcontact/index_en.htm

Озиқ-овқат маҳсулотларидаги заарли моддаларни назорат қилиш

Агар Сиз Европа Иттилоқига озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишини режалаштираётган бўлсангиз, уларнинг таркибида инсон саломатлигига хавф соладиган даражада заарли моддалар йўқлигига ишончхосил қилишингиз керак. Шусабабли маҳсулотингизга ЕИ чегарасига етиб келиши билан заарли моддаларнинг мавжудлигини ва микдорини кўрсатувчи лаборатория текширувлари баённомаларига эга хужжатлар илова қилиниши керак.



Истеъмолчилар ҳуқуқлари юксак даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Европа Иттифоқига (ЕИ) озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш ЕИ қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак. ЕИ қонун ҳужжатлари ЕИ бозорлари га жойлаштирилаётган маҳсулотлар овқатга қўшиб истеъмол қилиш нұқтаи назаридан хавфсиз бўлишини ва таркибида инсон саломатлиги учун хавф солиши мумкин бўлган даражаларда заарли моддалар бўлмаслигини таъминлашга қаратилган.

ЕИ қонун ҳужжатлари муайян озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларга нисбатан максимал даражаларни белгилайди. ЕИ бозорига жойлаштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибида ЕИ Регламентига илова қилинган 1881/2006-сонли Илованинг турли бўлимларида кўрсатилгандан юқори даражада заарли моддалар бўлмаслиги керак.

Шу жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларидағи қуйидаги заарли моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаларига лимитлар ўрнатилмоқда:

Бўлим	Ифлослантирувчи	Маҳсулот
1.	Селитра	салат, исмалоқ, болалар овқатлари ер ёнгок, ёнгок, куруқ мевалар, мева шарбатлари, зираворлар, олмадан тайёрланган маҳсулотлар, пархез таомлар ва болалар овқатлари
	– афлотоксин	куруқ мевалар
	– охратоксин	курутилган узум, узум шарбати
	– патулин	мева шарбатлари, олмадан тайёрланган маҳсулотлар
3.	Оғир металлар	мева ва сабзавотлар
	– кўргошин	сабзавотлар, мевалар ва реза мевалар, мева шарбатлари
	– кадмий	сабзавотлар
	– қалай	консерваланган ичимликлар, шу жумладан мева ва сабзавот шарбатлари



Маҳсулотингиз қандай заарли моддаларга текширилишини ва уларнинг рухсат этилган максимал даражаларини 3-иловадан билиш мумкин.



Қонун ҳужжатлари

- Озиқ-овқат маҳсулотларидағи заарли моддалар учун Ҳамжамиятнинг тартиб-таомилларини белгилаб берувчи Кенгашнинг (ЕИХ) 1993 йил 8 февралда қабул қилинган 315/93-сонли Регламенти (OJ L-37, 13/02/1993) (CELEX 31993R0315).



- Озиқ-овқат маҳсулотларидаги айрим заарлар учин максимал дара-жаларни белгилаб берувчи 2006 йил 19 декабрда қабул қилинган 1881/2006-сонли Регламент (ЕИ) (OJ L-364 20/12/2006) (CELEX 32006R1881).



Маълумот манбалари

- Соғликини сақлаш ва истеъмолчиларни ҳимоя қилишга доир бош директо-рат – Озиқ-овқат маҳсулотларидаги заарларни моддаларга доир бўллетең: http://ec.europa.eu/food/food/chemicalsafety/contaminants/fs_contaminants_final_web_en.pdf
- Ривожланадётган мамлакатлардан импорт қилишга кўмаклашиш маркази (CBI): <http://www.cbi.eu/marketinfo/cbi/?action=showDetails&id=5142>
- Европа озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бошқармаси (EFSA): <http://www.efsa.europa.eu/>

Инсон истеъмоли учун мўлжалланган ўсимликлардаги ва ҳайон хом ашёсидан тайёрланган маҳсулотлардаги пестицидлар қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш

Истеъмолчилар ҳуқуқларининг юксак даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган, таркибида пестицидлар қолдиқлари мавжуд бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар ва ҳайонлар гўштидан тайёрланган маҳсулотларни ЕИ қонун хужжатларида белгиланган кафолатларга риою қилинганда импорт қилишга рухсат берилади.



Европа Иттифоқининг пестицидлар маълумотлар базаси. Агар сиз Европа Иттифоқига ўсимликтан тайёрланган маҳсулотни экспорт қилиши режалаштираётган бўлсангиз, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун ишлатилаётган фаол моддалар Европа Иттифоқининг пестицидлар маълумотлар базасига киритилган бўлиши керак.

Европа Иттифоқининг маъқулланган рўйхатига киритилган фаол моддалардан-гина (positive EU list) ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларида фойдаланиш мумкин. Бундай моддалар Европа Иттифоқининг пестицидлар маълумотлар базасида (EU Pesticide Database) кўрсатилган. Модда рўйхатга киритилгандан кейин Европа Иттифоқига аъзо давлатлар таркибида ушбу модда мавжуд бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Европа Иттифоқида пестицидлар қолдиқларини назорат қилиш: пестицидлар қолдиқларининг рухсат этилган максимал даражалари.



ЕИ қонун ҳужжатлари пестицидлар қолдиқларини назорат қилиш қоидаларини ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқадаги пестицидлар қолдиқларининг Европа Иттифоқида рухсат этилган максимал даражаларини (MRLs) белгилаб беради.

ЕИ чегарасига етиб кепгүннингизга қадар сиз маҳсулотингиз таркибида белгиланган лимитдан ортиқ пестицидлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Назорат қилинишилозим бўлгантоварлар рўйхати ва пестицидлар қолдиқларининг максимал даражалири (MRLs) 396/2005-сонли Регламентта (ЕИ) Иловаларда кўrsатилган:

I илова	MRLs қўлланиладиган маҳсулотлар, шу жумладан ҳайвонлар гўшидан тайёрланган маҳсулотлар, мевалар, савзавотлар, бошоқли ўсимликлар, зираворлар ва айрим еса бўладиган ўсимликлар рўйхати
II илова	Европа Иттифоқида қолдиқларининг максимал даражаси белгиланган пестицидлар рўйхати (MRLs)
III илова	Вақтинчалик MRLs рўйхати. ЕИ (2008 йил 1 сентябргача MRLs миллий даражада белгиланган пестицидлар)
IV илова	Хавф солиши пастлиги туфайли MRLs ни аниқлаш зарур бўлмаган пестицидлар рўйхати
IV илова	0,01 мг/кг дан фарқли автоматик тарзда лимит қўлланиладиган пестицидлар рўйхати
V илова	Қайта ишланган маҳсулотлар учун MRLs қайта ҳисоб-китоб қилиш коэффициентлари рўйхати
VII илова	Фумигантлар сифатида фойдаланиладиган пестицидлар рўйхати. Аъзо давлатлар товарлар бозорга жойлаштирилгунига қадар бундай пестицидлар юзасидан маҳсус қоидаларни кўллашга ҳақи

Маҳсулотнинг аниқ турлари бўйича Иловалар рўйхатига киритилган моддалар ва MRLs тўғрисидаги аниқ маълумотни **Европа Иттифоқининг пестицидлар маълумотлар базасидан (EU Pesticide Database)** олиш мумкин: http://ec.europa.eu/sanco_pesticides/public/?event=homepage

The screenshot shows the EU Pesticide Database homepage. At the top, there's a search bar with placeholder text 'Search' and a 'Search' button. Below the search bar, there are two main sections: 'Active substances' and 'Pesticide EU-MRLs'. Under 'Active substances', there's a table with columns for 'Active substance', 'Regulation (EC) No 1107/2009', and 'Status'. One row is visible with 'Acetochlor', 'Regulation (EC) No 1107/2009', and 'Approved'. Under 'Pesticide EU-MRLs', there's a table with columns for 'Pesticide EU-MRLs', 'Regulation (EC) No 396/2005', and 'Status'. One row is visible with 'Acetochlor', 'Regulation (EC) No 396/2005', and 'Approved'. At the bottom of the page, there are links for 'About', 'Helpdesk', 'Contact', and 'Feedback'.



Назорат ва инспекция. ЕИга аъзо давлатлари маъмурлари озиқ-овқат маҳсулотларидағи пестицидлар қолдиқларини (MRLs) назорат қилиш ва уларга риоя этилишини таъминлаш учун жавоб беради. Пестицидлар қолдиқларини бошқариш мувофиқлаштирилган дастурга мувофиқ миллий референс-лабораториялар (national reference laboratories) Европа Иттифоқига аъзо давлатларда пестицидлар қолдиқларини аниқлаш учун маҳсулот намуналарини қабул қиласи ва таҳлил қиласи.

Бундан ташқари, назорат ЕИ чегарасида амалга оширилиши ҳам мумкин.



Қонун ҳужжатлари

- ЕИга аъзо давлатлар томонидан ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини авторизациядан утказиш қоидалари ва тартиб-таомилларини ҳамда улардаги фаол моддаларнинг микдорини белгилаб берувчи Европа парламенти ва Кенгашининг 1107/2009-сонли Регламенти (ЕИ) (OJ L-309 24/11/2009) (**CELEX 32009R1107**).
- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва озукадаги пестицидлар қолдиқларининг Европа Иттифоқида рухсат этилган максимал даражаларини белгилаб берувчи (MRLs) 396/2005-сонли Регламент (ЕИ).
- Ўсимликтан ва ҳайвонлар гүштидан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотларидағи қолдиқларни назорат қилиш дастурини белгилаб берувчи Комиссиянинг 788/2012-сонли Регламенти (ЕИ) (OJ L-235 01/09/2012) (**CELEX 32012R0788**).



Маълумот манбалари

- Пестицидлар қолдиқлари бўйича референс-лабораториялар жамияти: <http://www.crl-pesticides.eu>
- Озиқ-овқат ва ветеринария бўйича идора (FVO): http://ec.europa.eu/food/fvo/index_en.cfm
- «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ургулардаги пестицидлар қолдиқларини таҳлил қилишучун сифатнитасдиқлашҳамда назорат қилиш тартиб-таомилларий» ҳужжати: http://ec.europa.eu/food/plant/protection/resources/qualcontrol_en.pdf

Фитосанитария назорати



Агар сиз Европа Иттифоқига ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни (шу жумладан мева сабзавотларни) экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, маҳсулотингиз Европа Иттифоқининг фитосанитарияга доир қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишига ишонч ҳосил қилиш зарур.



ЕИ ҳудудида ўсимликларга ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларга зарар етказувчи организмлар олиб кирилиши ва тарқатилишининг олдини олиш фитосанитария чора-тадбирларининг бош мақсадидир. Асосий тала-блар:

- айрим ушбу организмларни ЕИ ҳудудига олиб кириш тақиқланганлигини назарда тутади, бундан айрим ҳолатлар мустасно;
- ушбу ўсимликлар ёки ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларга фитоса-нитария сертификати илова қилинган бўлиши керак.

Умумий талаблар. Европа Иттифоқига олиб кирилаётган ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларга:

- экспорт қилаётган мамлакатнинг малакали органи томонидан берилган **фи-тосанитария сертификати** илова қилиниши;
- ЕИ ҳудудига кириш пунктида **божхона текширувидан** ўтказилиши;
- Европа Иттифоқига импорт қилаётган аъзо давлатда **расман рўйхатдан ўтказилиб** импорт қилиниши;
- чегарадан **утиладиган жойга этиб келишидан аввал** божхона органларига **хабар қилиниши** керак.

Агар учинчи мамлакатлардан етказиб берилаётган ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ЕИ ҳудудида хавф уйғотса, аъзо давлатлар ёки Европа комиссияси вақтингачалик шошилинч чора-тадбирларни куриши мумкин.



Ўсимликлар: тирик ўсимликлар ва ўсимликларнинг муайян тирик қисмлари, шу жумладан уруғлар. Қуйидагилар ушбу тоифага киради:

- мевалар, паст ҳароратда музлатилган мевалардан ташқари;
- сабзавотлар, паст ҳароратда музлатилган сабзавотлардан ташқари;
- илдизмевали ўсимликлар, тугунакпиёзлар, пиёз ва илдизпоялар;
- узилган гуллар;
- баргли бутоқлар;
- барглари сақланган кесиб олинган дараҳтлар;
- барглар;
- ҳужайра тўқимали ўсимликлар;
- тирик гулчанги;
- куртакли дараҳтлар, дараҳт чиқиндилари ва новдалари.

Ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар. Қайта ишланмаган ёки оддий қайта ишланган ва эндилиқда ўсимлик ҳисобланмаган маҳсулотлар.



Фитосанитария сертификати ва/ёки қайта экспорт қилиш учун фитосанитария сертификати.

Агар Сиз Европа Иттифоқига юқорида санаб үтилган ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилишиңи режалаштираётган бўлсангиз, уларга расмий «фитосанитария сертификати» ёки «қайта экспорт қилиш учун фитосанитария сертификати» илова қилишингиз керак (агар юк мамлакатдан жуннатилгандан кейин Европа Иттифоқига кирмайдиган бошқа мамлакатда сақланган бўлса, қайта қадоқланган бўлса ёки тақсимланган бўлса).

Ушбу ҳужжатлар ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларнинг фитосанитария ҳолатини, шунингдек юк расман текширилганлигини, Европа Иттифоқига олиб кириш учун белгиланган талабларга мувофиқ келишини ҳамда карантин зааркунандалар ва бошқа заарарли организмлардан холи эканлигини тасдиқлади.

Сертификатлар ЕИ расмий тилларининг ҳеч бўлмаса бирида берилган булиши керак. Сертификатлар ҳужжатда кўрсатилган ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ёки бошқа обьектлар мамлакатни тарқ этадиган санадан кўпич билан 14 кун олдин экспорт қилаётган ёки қайта экспорт қилаётган мамлакатнинг ваколатли органлари томонидан берилиши керак.

Фитосанитария сертификати ўсимликларни ҳимоя қилишга доир конвенция қоидаларига мувофиқ ҳамда ФАО Халқаро стандартининг 12-сонли фитосанитария чора-тадбирларига доир фитосанитария сертификатлари бўйича қўлланмани инобатта олган ҳолда берилади.



Ўсимликлар соғломлигини божхонада текшириш ва назорат қилиш. Сиз ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни Европа Иттифоқига фақат авторизациядан ўтказилган ўтказиш пунктлари орқали экспорт қилишингиз мумкин. Мазкур ўтказиш пунктларида ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар Европа Иттифоқига келтирилган вақтдан бошлаб расмий масъул органлар томонидан божхонада текширилиши ва назорат қилиниши лозим.

Бундан ташқари, импорт қилувчи ёки унинг вакили юк кептирилганлиги ҳақида аввалдан хабардор қилиши ва инспекцияга сўров юбориши керак. Божхонада расмийлаштириш инспекциянинг ижобий натижасидан кейингина ўтказилиши мумкин.

Инспекция:

- зарур сертификатлар, ҳужжатлар ёки белгилар берилганлигини ва қўйилган талабларни қондиришини кўрсатувчи ҳужжатларни текширишни;
- ўсимликлар, ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ёки бошқа обьектлар сўралайтган ҳужжатларда билдирилган маҳсулотларга мувофиқ келишини кўрсатувчи айнан ўхшашликни;



- ўсимликлар, ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ёки бошқа обьектлар, шу жумладан үраш материалларида ишлатилган тахта, агар бундай тахталар мавжуд бўлса, ЕИ Кенгашининг 2000/29-сонли Директивасида кўрсатилган аниқ талаблар ва фитосанитария чора-тадбирларига мувофиқ бўлишини ҳамда Евropa Иттифоқига импорт қилиниши мумкинligини белгилаб берувчи ўсимликларнинг соғломлигини назорат қилишни ўз ичига олади.

Текширув Евropa Иттифоқига аъзо тегишли давлатнинг чегара постига кириб келган вақтда ўтказилиши керак. Шунга қарамай, ўсимликларнинг айнан ўхшашлигини ва соғломлигини текшириш ҳар бир аниқ ҳолатда аникланадиган ўсимликлар ва ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотларни ташишга тааллуқли аниқ кафолат ва ҳужжатлардан қониқиш ҳосил қилинган тақдирда тайинланган жойда амалга оширилиши мумкин.

Импорт қилувчилар реестри. Ўсимликлар, ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ёки юкорида кўрсатилган бошқа обьектларни импорт қилувчилар ишлаб чиқарувчи бўлишларидан қатъи назар Евropa Иттифоқига аъзо давлатларнинг расмий реестрига киритилиши ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги расмий рақамга эга бўлиши керак.

Импорт қилиш тўғрисида аввалдан билдириш. Аъзо давлатлар аэропорт ва портлар раҳбариятидан, импорт қилувчилар ва операторлардан улар ўсимликлар, ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ва бошқа обьектлар ортилган юк келаётганлиги ҳақида маълумот олиши билан бу ҳақда кириш пунктидаги божхона организининг ва кириш пунктидаги расмий органнинг аввалдан огоҳлантирилишини талаб қилиши мумкин.

Бундан ташқари, ўсимликлар, ўсимликлардан тайёрланган маҳсулотлар ва зарарли организмларни сақлай оладиган исталган бошқа материал фавқулодда чора-тадбирлар предмети бўлиши мумкин.



Қонун ҳужжатлари

- Евropa Иттифоқининг ўсимликлар соғломлигини назорат қилишга доир қонун ҳужжатлари (EU legislation on plant health control): http://exporthelp.europa.eu/update/requirements/ehir_eu14_02v001/eu/auxi/eu_heanahc_legislation.pdf



Бошқа маълумот манбалари

- Евropa комиссияси – DG истеъмолчилар соғлигини сақлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича: http://ec.europa.eu/food/plant/organisms/index_en.htm



- Махсулотнинг айрим турларини импорт қилиш буйича фавқулодда чоратадбирлар ва назорат қилишнинг узоқ муддатли чора-тадбирлари: http://ec.europa.eu/food/plant/plant_health_biosafety/legislation/emergency_measures_import_en.htm
- Европа Иттифоқининг фитосанитария сертификатларининг күшимча декларацияси тўғрисидаги талабларига доир қўлланма: http://ec.europa.eu/food/plant/plant_health_biosafety/trade_non_eu/docs/declarations_phyto_certificates_en.pdf
- Европа Иттифоқининг таҳтадан ясалган ўраш материалларига доир қоидалари шарҳи: http://ec.europa.eu/food/plant/organisms/imports/overview_eu_rules.pdf
- EUROPHYT – Европа Иттифоқининг ўсимликлар соғломлигини ҳимоя қилишга доир хабар қилувчи тизими: http://ec.europa.eu/food/plant/europhyt_index_en.htm

Ҳўл мева ва сабзавотлар учун бозор стандартлари

Агар Сиз Европа Иттифоқига ҳўл мева ва сабзавотларни экспорт қилишни режалашибтираётган бўлсангиз, уларнинг сифати Европа Иттифоқининг бозор стандартларига мувофиқ бўлиши керак.



Бозор стандартлари. Бозор стандартлари маҳсулот янги, тоза бўлишини, унга тўғри белги қўйилганлигини, сифати яхшилигини ва кўрсатилган навга мувофиқ бўлишини кафолатлаш учун ишлаб чиқилган.

Кўпчиллик маҳсулотлар **Европа Иттифоқининг умумий бозор стандартларига** мувофиқ келиши керак. Ушбу стандартлар:

- сифатга қўйилган энг кичик талабларни;
- пишиб етилганлик борасидаги энг кичик талабларни;
- толерантликни (бағрикенгликни);
- маҳсулотга қўйилган белгини белгилаб беради.

Кўйидаги мева ва сабзавотлар учун **Махсус бозор стандартлари** ишлаб чиқилган:

- **мевалар:** олма, цитрус мевалар, киви, шафтоли ва луҷҷак шафтолилар, нок, қулупнай, узум;
- **сабзавотлар:** салат-сутчўп, эндинвий, ширин қалампир, помидор.



Европа Иттифоқига импорт қилинадиган маҳсулотингиз Умумий ёки Махсус бозор стандартларига мувофиқ бўлиши керак. Маҳсулотингиз тоза, йирингламаган, соғлом ва ҳашарот тушмаган бўлиши ҳамда муайян даражада пишган бўлиши керак. Шунингдек, маҳсулотга тегишли белги қўйилган бўлиши, ишлаб чиқарилган мамлакат, нави, ҳажми, оғирлиги, сифати ва ўрам тўғрисида маълумот ёзилган бўлиши керак.

Бозор стандартлари қўлланиладиган маҳсулотнинг ўрамида, транспорт ҳужжатида, инвойсларда ва етказиб бериш учун берилган буюртманомаларда унинг нави кўрсатилган бўлиши керак.

Назорат тартиб-таомиллари. Сизнинг импорт қилувчингиз ёки унинг расмий вакили Европа Иттифоқининг назорат органларига товарингиз тўғрисида маълумотни (импорт қилувчининг, ишлаб чиқарилган мамлакатнинг идентификацияси, маҳсулот таърифи, оғирлиги, нави ва ҳоказолар) ҳамда бозор стандартларига мувофиқ келишини тасдиқловчи ҳужжат ёки сертификатни тақдим этиши керак.

Европа Иттифоқида бозор стандартлари инспекцияси. Европа Иттифоқига етиб келганда ЕИ аъзо давлатлари томонидан тайинланган инспекция органлари мева ва сабзвотларнинг ЕИ бозор стандартларига мувофиқ келишини саралаб текширади. Инспекция импорт қилинаётган маҳсулотнинг ЕИ бозор стандартларига мувофиқ келишини аниқлаш мақсадида унинг ҳужжатларини текширишдан ва/ёки уни назорат қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Мувофиқ келишини текшириш яқунлангандан кейин ЕИ аъзо давлатлари томонидан тайинланган инспекция органлари мувофиқлик сертификатини тайёрлаши керак. Ушбу сертификат маҳсулотни эркин муомалага чиқариш учун божхона орнларига тақдим этилиши керак.

Мувофиқлик сертификати ЕИ Махсус бозор стандартлари обьекти бўлган маҳсулот турларига талаб этилади.

Одатда, мувофиқлик сертификати ЕИ Умумий бозор стандартлари обьекти бўлган маҳсулот учун талаб этилмайди, бироқ ЕИ бозор стандартига мувофиқ келишини саралаб текшириш олиб кириш пунктида ўтказилиши керак.

Агартовар ушбу стандартларга мувофиқ келмаса, текширувчи орган номуовофиқлик аниқланганлиги тўғрисида ҳужжат тайёрлайди. Ушбу ҳужжат маҳсулотнинг рухсатсиз ўтказилишига тўсқинлик қиласди.

Қайта ишлашга мўлжалланган маҳсулотлар. Қайта ишлашга мўлжалланган импорт қилинаётган маҳсулотларнинг ЕИ бозор стандартларига мувофиқ келиши текширилмайди. Шунга қарамай, қайта ишлашга мўлжалланган маҳсулотларнинг ўрами «қайта ишлашга мўлжалланган» дейилган ёзув ёки бошқа шунга ўхшаш бошқа таъриф билан аниқ белгиланган бўлиши керак.



Қонун ҳужжатлари

- ЕИ Кенгашининг 2013 йил 17 декабрда қабул қилинган қышлоқ ҳужалиги маҳсулотлари бозорининг умумий тарзда ташкил этилишини белгилаб берадиган 1308/2013-сонли Регламенти (OJ L-347 20/12/2013) (CELEX 32013R1308);
- Мева ва сабзавотларга ҳамда қайта ишланган мева ва сабзавотларга нисбатан ЕИ Кенгашининг 1234/2007-сонли Регламентини қўллашнинг батафсил қоидаларини белгилаб берадиган ЕИ комиссиясининг 2011 йил 7 июняда қабул қилинган 543/2011-сонли Ижро этувчи Регламенти (OJ L-157 15/06/2011) (CELEX 32011R0543).



Бошқа маълумот манбалари

- Европа комиссиясининг қышлоқ ҳужалиги ва қышлоқ туманларини ривожлантиришга доир Бош директорати: http://ec.europa.eu/agriculture/fruit-and-vegetables/marketing-standards/index_en.htm

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш



Агар Сиз Европа Иттифоқига озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишни режалаштираётган бўлсангиз, маҳсулотингизга қўйилган белги **Европа Иттифоқининг белгига доир қоидаларига** мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилинг.

Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатларида сотиладиган барча озиқ-овқат маҳсулотлари Европа Иттифоқининг белги қўйишга доир қоидаларига мувофиқ келиши керак. Ушбу қоидалар истеъмолчилар озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётганда онгли танлов учун зарур барча маълумотга эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларига белги қўйишга доир қуидаги қоидалар қўлланилади:

- Озиқ-овқат маҳсулотларига белги қўйишнинг умумий қоидалари;
- Маҳсулотнинг муайян гурухлари учун белгиланган маҳсус қоидалар:
 - генетик модификацияланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва янги маҳсулотларга белги қўйиш;
 - озиқ-овқат маҳсулотларига уларни тайёрлаш бўйича ўзига хос мақсадларни кўзлаб белги қўйиш;



- овқатта солинадиган құшимчалар ва хушбүй ҳид берувчи құшимчаларга белги қўйиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материалларга белги қўйиш;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг муайян турларига белги қўйиш.

Озиқ-овқат маҳсулотларига белги қўйишнинг умумий қоидалари. Озиқ-овқат маҳсулотлари этикеткалари ЕИ Кенгашининг 2000/13-сонли Директивасида белги-ланган умумий қоидаларга мувофик қўйидаги маълумотларга эга бўлиши керак:

- Сотилаётган маҳсулот номи. Савдо русумидан ёки бренд номидан фойдаланиш мумкин, бироқ белги маҳсулотнинг умумий номига эга бўлиши шарт.
- «Ингредиентлар» сўзи билан белгиланган Ингредиентлар рўйхатида барча ингредиентлар уларнинг вазни камайиб боришига қараб ва маҳсус ўз номлари билан белгиланиб кўрсатилиши керак.
- Қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг соф оғирлиги миқдори суюқликлар учун (л, сантимитр, миллилитрда) ва суюқлик бўлмаган маҳсулотлар учун (килограмм, граммда) метр бирликларда курсатилиши керак.
- Яроқлилик муддати кун, ой ва йил форматида бўлиши ҳамда тезда бузиладиган маҳсулотлар учун «...гача яроқли» ёки «...гача фойдаланилсин» жумлалари ёзилиши керак.
- Сақлаш ёки фойдаланиш учун ўзига хос шартлар.
- Номи ва фирма номи ҳамда Евropa Иттифоқида таъсис этилган тайёрловчининг, ўрамловчининг ёки импорт қилувчининг манзили.
- Ишлаб чиқарилган жойи.
- Фойдаланиш бўйича қўлланма, зарур бўлганда.
- Қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари учун туркум белгиси (серияси, лоти). Белгидан олдин «L» ҳарфи қўйилади.

Ушбу маълумотлар қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ўрамида ёки унга ёпиштирилган этикеткада кўрсатилган бўлиши керак. Жамоат овқатланиши учун мўлжалланган ўрамланган озиқ-овқат маҳсулотларида (кatta ҳажмда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларида) албатта белги қўйилганилиги тўғрисидаги маълумотлар тижорат ҳужжатларида, сотилаётган маҳсулотнинг номи, сақлаш муддати ёки яроқлилик муддати, ишлаб чиқарувчининг номи эса ташки ўрамда кўрсатилиши керак.

Белги озиқ-овқат маҳсулотларининг хусусиятлари ва хоссалари юзасидан ёлғон маълумот бермаслиги ҳамда касалликларнинг олдини олиши ва уларни даволашиб ҳақидаги таъриф келтирмаслиги керак. Этикеткаларда берилган маълумот осон тушунилиши, яқол кўриниб туриши, аниқ ва ўчib кетмайдиган қилиб ҳамда товар сотилаётган Евropa Иттифоқига аъзо давлатнинг расмий тилида (тиллари-



да) ёзилган булиши керак. Шунга қарамай, харидорлар осон тушуниб оладиган хорижий атамалардан ёки иборалардан фойдаланиш мумкин.

Ушбу мажбурий талабларга құшимча равища ишлаб чиқарувчи ихтиёрий равиша маҳсулот түғрисида құшимча маълумотни, агар у ишончли бўлса ва истеъмолчиларни чалғитмаса, киритиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда материалларга белги қўйиш. Европа Иттифоқининг 1935/2004-сонли Регламентига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган ва жойлаштириладиган идишлар ҳамда буюмлар, шу жумладан ўрамлаш материаллари ва кон-тейнерларга «озиқ-овқат маҳсулотларига мўлжалланган» деб ёзиб қўйилиши ёки стакан ва санчқи рамзига эга бўлиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг муайян турларига белги қўйиш. Айрим озиқ-овқат маҳсулотларига, шу жумладан қўйидаги озиқ-овқат маҳсулотларига белги қўйиш бўйича ЕИ маҳсус қонун хужжатларида белгиланган құшимча талаблар мавжуд:

- Мева шарбатлари ва айрим шунга үхшаш маҳсулотлар (**Fruit juices and certain similar products**).
- Мевадан тайёрланган мурабболар, желе, мармеладлар ва ширин қизғиш пюре (**Fruit jams, jellies and marmalades and sweetened chestnut purée**).
- Янги маҳсулотлар ва озуқа ингредиентларининг янги турлари (**Novel foods and novel foods ingredients**).
- Тезда музлатилган маҳсулотлар (**Quick frozen foodstuffs**).



Маълумот манбалари

- Озиқ-овқат маҳсулотларига белги қўйиш ҳақидаги батафсил маълумотни Истеъмолчилар соғлигини асраш ва уларни ҳимоя қилиш бош директоратнинг сайтидан топиш мумкин ([DG SANCO](http://ec.europa.eu/food/food/labellingnutrition/index_en.htm)): http://ec.europa.eu/food/food/labellingnutrition/index_en.htm
- ЕИ қонунхужжатларини умумлаштирадиган фойдаланиш учун қулай бўлган бюллетенлар ЕИ қонун хужжатларини умумлаштириш сайтида мавжуд ([Summaries of EU legislation](http://europa.eu/legislation_summaries/index_en.htm)): http://europa.eu/legislation_summaries/index_en.htm



Органик қишлоқ ҳұжалиғи маҳсулотлари (ихтиёрий талаб)



Агар Сиз Европа Иттифоқига «органик» маҳсулотни экспорт қилишни режалаشتыраёттан бұлсанғыз, бундай маҳсулот Европа Иттифоқынинг озиқ-овқат маҳсулотларыға құйилған бошқа мажбурий талабларыға күшімчама равишида органик маҳсулот тұғрисидаги маҳсус қонун ҳужжатларыға мувофиқ келиши керак.

Европа Иттифоқи (ЕИ) бозорига ишлаб чиқаришнинг органик усуулларидан фойдаланылған маҳсулотни жойлаштириш ЕИ Кенгашининг 834/2007-сонлы Регламентіда белгиланған қоидаларға мувофиқ келиши керак.

Ушбу қоидалар, асосан, қуидаги жиҳатларни үз ичига олади:

- Маҳсулотни яратиш барча босқичларининг (ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, ұрамлаш, ташиш ва сақлаш) сертификатловчи орган томонидан сертификатланғанлиғи.
- Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда муайян маҳсулот ва воситалардан фойдаланиш (ЕИ комиссияси 889/2008-сонлы Регламенттінинг VIII ва IX иловалари).
- Маъқулланған ингредиентлар рұйхатини органик қишлоқ ҳұжалиғи маълумот тизимининг маълумотлар базасидан олиш мүмкін (OFIS).
- Органик ишлаб чиқаришда генетик модификацияланған маҳсулотлардан ва улардан тайёрланған маҳсулотлардан фойдаланишини тәқиқлаш.
- Европа Иттифоқида Органик маҳсулот логотипидан фойдаланиш.
- Ишлаб чиқаришнинг органик усуулларидан фойдаланғанликни күрсатувчи логотип ва белгилардан ЕИ қонун ҳужжатларыда назарда тутилған барча шартларға жавоб берадиган муайян маҳсулот учун фойдаланиш мүмкін.
- Маҳсулотнинг ушбу тури учун инспекция чора-тадбирлари ва аниқ назорат схемалари Европа Иттифоқига альзо давлатларыннң тайинланған органлари томонидан құлланиши керак.

Учинчи мамлакаттардан импорт қилиш. Учинчи мамлакаттардан көлтирилалықтан органик маҳсулоттар, агар улар ишлаб чиқариш қоидаларыға мувофиқ ишлаб чиқылған бўлса ва ЕИ қонунчилигига кўра мувофиқликка ёки эквивалентликка текширилиши лозим бўлса, органик маҳсулот эканлиги кўрсатилиб ЕИ бозорига жойлаштирилиши мүмкін.

Сиз органик маҳсулотлар ЕИ томонидан эътироф этилган муассасалар ёки органлар томонидан сертификатланған бўлса, уларни Европа Иттифоқига экспорт қилишингиз мүмкін.



ЕИ эътироф этган назорат қилувчи муассаса ёки ҳокимият органи томонидан сертификатлаштириш

Текширишларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган муассасалар маъмурларининг назорат қилувчи органлари ва муассасалар рўйхати органик қишлоқ хўжалиги маълумот тизимининг сайтида жойлаштирилган (OFIS).

Хужжатларни текшириш. Импорт қилинадиган юкларга учинчى давлатдаги ваколатли орган ёки муассаса томонидан берилган, юк ЕИ қонун хужжатларига мувофиқ келишини тасдиқлайдиган хужжатлар илова қилиниши керак. Сертификатнинг асл нусхаси товарга биринчи қабул қилувчи жойлашган жойга қадар илова қилиниши керак, шундан сўнг импорт қилувчи сертификатни текширувчи органларга ва/ёки муассасаларга тақдим этиш учун камида икки йил давомида ўзида сақлаши лозим.

Юкни текшириш. Европа Иттилоғига органик маҳсулотларни эркин муюмалага чиқариш учун зарур шартлар кўйидагилардан иборат: инспекция сертификатининг асл нусхасини тақдим этиш, юкни текшириш ва Европа Иттилоғига аъзо давлатнинг тегишли органи томонидан инспекция сертификатининг маъқулланиши.



Қонун хужжатлари

- ЕИ Кенгашининг 2007 йил 28 июнда қабул қилинган органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларга белги қўйишга доир 834/2007-сонли Регламенти (OJ L-189 20/07/2007) (**CELEX 32007R0834**)
- Органик маҳсулот ишлаб чиқариш, унга белги қўйиш ва уни назорат қилиш борасида ЕИ Кенгашининг органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларга белги қўйишга доир 834/2007-сонли Регламентини амалга ошириш учун батафсил қоидаларни белгилаб берувчи ЕИ комиссиясининг 2008 йил 5 сентябрда қабул қилинган 889/2008-сонли Регламенти (OJ L-250, 18/09/2008) (**CELEX 32008R0889**)
- Учинчи мамлакатлардан экологик тоза маҳсулотларни импорт қилиш чоратадбирлари борасида ЕИ Кенгашининг 834/2007-сонли Регламентини амалга оширишнинг батафсил қоидаларини белгилаб берувчи ЕИ комиссиясининг 2008 йил 8 декабрда қабул қилинган 1235/2008-сонли Регламенти (OJ L-334 12/12 / 2008) (**CELEX 32008R1235**)
- 2092/91-сонли Регламентнинг (ЕИХ) 15-моддасида назарда тутилган назорат учун жавоб берадиган муассасаларнинг ёки давлат ҳокимияти органларининг рўйхати (OJ C-72, 26/03/2009)



Бошқа маълумот манбалари

- Органик маҳсулотни Европа Иттилоғига импорт қилишга доир тавсиялар. Ҳужжат Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ туманларини ривожлантириш Боз директоратининг Органик хўжалик булими томонидан ишлаб чиқилган (**Guidelines on import of organic products into the European Union**): http://exporthelp.europa.eu/update/requirements/ehir_eu14_02v001/eu/aux/eu_sporgan_guidelines_imports.pdf
- OFIS (Organic Farming Information System – органик хўжалик маълумот тизими) сайтида импортни авторизация қилишни, ингредиентларни авторизация қилишни, текшириш учун жавоб берадиган муассасалар ёки давлат ҳокимияти органларини ўз ичига олган маълумот умумлашмаси келтирилган: http://ec.europa.eu/agriculture/ofis_public/index.cfm



5

Германия мисолида айрим мева-сабзавот маҳсулотлари турларини Узбекистондан Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишда қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон кўплаб мамлакатларда талабгор бўлган мева ва сабзавотларни муваффақиятли экспорт қилувчи мамлакат бўлиб, жаҳоннинг 80 та мамлакатига янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг 180 дан ортиқ турини етказиб бермоқда.

ЕИ Экспортни қўллаб-қувватлаш хизматининг сайтида келтирилган статистик маълумотдан келиб чиқкан ҳолда охирги 10 йил мобайнида Узбекистондан Европа Иттифоқи мамлакатларига мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг қўйидаги манзараси кузатилмоқда:

07-гуруҳ – сабзавотлар ва айрим еб бўладиган илдизмевали ўсимликлар – 16%.

08-гуруҳ – еб бўладиган мева ва ёнғоқ – 77%.

20-гуруҳ – қайта ишланган сабзавот, мева, ёнғоқ маҳсулотлари ёки ўсимликларининг бошқа қисмлари – 7%.





Хўл мевалар



Ўзбекистондан Германияга хўл меваларни экспорт қилишда қўйиладиган талабларни ўрикни экспорт қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

08-ГУРУҲ – ЕБ БЎЛАДИГАН МЕВА ВА ЁНГОҚ

Код: 08091000

Маҳсулот таърифи: Ўрик

Ишлаб чиқарилган мамлакат: Ўзбекистон

Жўнатилаётган мамлакат: Германия

Ўрик учун қўйидаги маҳсус талаблар қўйилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш;
- инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган ўсимликлар ва ҳайвон гўштидан тайёрланган маҳсулотлардаги престицидларнинг қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- ҳайвонлар гўштидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш;
- хўл мева ва сабзавотлар учун бозор стандартлари;
- фитосанитария назорат;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвонлар учун озуқанинг кузатиб текшириш имконияти, мувофиқлиги ва мажбуриятлар.

Германияда ушбу маҳсулот учун ички солиқ:

ҚКС ставкаси – 7%

Акциз йигими – 0%

Тарифлар:

Ишлаб чиқарилган жойи	Ўлчов бирлиги тури	Тариф	Шартлар	Изоҳ	Еи қонун хўжжатлари
ERGA OMNES	Учинчи мамлакатлар божи	20 %		PB002	R1001/13
ОСП (умумий режим) Истисно: Хитой	Тариф преференция	16.5 %		PB002	R0978/12

Изоҳ. PB002 Бож стаёкаси тегишили қонун хўжжатларига мувофиқ четдан келтирилган маҳсулот нархлари тизими билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Қуруқ мевалар



Ўзбекистондан Германияга қуруқ меваларни экспорт қилишда қўйиладиган талабларни қуритилган узумни экспорт қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

08-ГУРУҲ – ЕБ БЎЛАДИГАН МЕВА ВА ЁНФОҚ

Код: 08062030

Маҳсулот таърифи: Қуритилган узум – Sultanas

Ишлаб чиқарилган мамлакат: Ўзбекистон

Жўнатилаётган мамлакат: Германия

Қуритилган узум учун қўйидаги маҳсус талаблар қўйилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш;
- инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган ўсимликлар ва ҳайвон гўштидан тайёрланган маҳсулотлардаги престицидларнинг қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- ҳайвонлар гўштидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш;
- хўл мева ва сабзавотлар учун бозор стандартлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвонлар учун озуқанинг кузатиб текшириш имконияти, мувофиқлиги ва мажбуриятлар.

Германияда ушбу маҳсулот учун ички солиқ:

ҚҚС ставкаси – 7%

Акциз йигими – 0%

Тарифлар:

Ишлаб чиқарилган жойи	Улчов бирлиги тури	Тариф	Шартлар	Изоҳ	ЕИ юнун ҳужжатлари
ERGA OMNES	Учинчи мамлакатлар божи	2.4 %			R2204/99
Ўзбекистон	Эркин муомалага чиқариш (чеклаш)			CD597	R1099/10

Изоҳ. CD597 Эркин муомалага чиқариш учун умумъетироф этилган импорт ҳужжатини ёки унинг электрон эквивалентини тақдим этиш зарур. Ушбу ҳужжат барча назорат чора-тадбирлари ўтказилгандан кейин ва талаб этилганда куляй физик текшириши натижалари олингандан кейин тегиши равишда ваколатли орган томонидан тұлық түлдірілган бўлиши керак.



Янги узилган сабзавотлар



Ўзбекистондан Германияга янги узилган сабзавотларни экспорт қилишда қўйиладиган талабларни карамни экспорт қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

07-ГУРУХ – САБЗАВОТЛАР ВА АЙРИМ ЕБ БЎЛАДИГАН ИЛДИЗМЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Код: 07049010

Маҳсулот таърифи: оқ бошли ва қизил бошли карам

Ишлаб чиқарилган мамлакат: Узбекистон

Жўнатилаётган мамлакат: Германия

Карам учун қўйидаги маҳсус талаблар қўйилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш;
- инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган ўсимликлар ва ҳайвон гўштидан тайёрланган маҳсулотлардаги престицидларнинг қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- ҳайвонлар гўштидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш;
- ҳўл мева ва сабзавотлар учун бозор стандартлари;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвонлар учун озуқанинг кузатиб текшириш имконияти, мувофиқлиги ва мажбуриятлар.

Германияда ушбу маҳсулот учун ички солиқ:

ҚҚС ставкаси – 7%

Акциз йигими – 0%

Тарифлар:

Ишлаб чиқарилган жойи	Үлчов бирлиги тури	Тариф	Шартлар	Изоҳ	ЕИ ҳонун хужжатлари
ERGA OMNES	Учинчи мамлакатлар божи	12 % MIN 0.4 EUR/100 kg			R2204/99
ОСП (умумий режим) Истисно: Хитой	Тариф преференция	8.5 %			R0978/12



Қуруқ сабзавотлар



Ўзбекистондан Германияга қурилган сабзавотларни экспорт қилишда қўйиладиган талабларни қурилган томат экспорт қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

07-ГУРУХ – САБЗАВОТЛАР ВА АЙРИМ ЕБ БЎЛАДИГАН ИЛДИЗМЕВАЛИ ЎСИМЛИКЛАР

Код: 07129030

Маҳсулот таърифи: қурилган сабзавотлар – томатлар

Ишлаб чиқарилган мамлакат: Ўзбекистон

Жўнатаилаётган мамлакат: Германия

Қурилган томат учун қуйидаги маҳсус талаблар қўйилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш;
- инсон истеъмол қилиши учун мўлжалланган ўсимликлар ва ҳайвон гўштидан тайёрланган маҳсулотлардаги престицидларнинг қолдиқларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- ҳайвонлар гўштидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвонлар учун озуқанинг кузатиб текшириш имконияти, мувофиқлиги ва мажбурияtlар.

Германияда ушбу маҳсулот учун ички солиқ:

ҚҚС ставкаси – 7%

Акциз йигими – 0%

Тарифлар:

Ишлаб чиқарилган жойи	Үлчов бирлиги тури	Тариф	Шарт-лар	Изоҳ	Еи қонун хуҗжатлари
ERGA OMNES	Учинчи мамлакатлар божи	12.8 %			R2204/99
ОСП (умумий режим) Истисно: Хитой	Тариф преференция	9.3 %			R0978/12



Шарбатлар ва концентратлар



Ўзбекистондан Германияга қайта ишланган мева ва сабзавотларни экспорт қилишда қўйиладиган талабларни олма шарбатини экспорт қилиш мисолида кўриб чиқамиз.

20-ГУРУХ – ҚАЙТА ИШЛАНГАН САБЗАВОТ, МЕВА, ЁНГОҚ МАҲСУЛОТЛАРИ ЁКИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ БОШҚА ҚИСМЛАРИ

Код: 20097120

Маҳсулот таърифи: олма шарбати, Брикс кўрсатгичи 20 дан ортиқ бўлмаган, таркибида шакар кўшимчалари мавжуд

Ишлаб чиқарилган мамлакат: Ўзбекистон

Жўнатилаётган мамлакат: Германия

Олма шарбати учун қўйидаги маҳсус талаблар қўйилади:

- озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи моддаларни назорат қилиш;
- ҳайвонлар гўштидан тайёрланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини санитария жиҳатидан назорат қилиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари учун белги қўйиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳайвонлар учун озуқанинг қузатиб текшириш имконияти, мувофиқлиги ва мажбуриятлар.

Германияда ушбу маҳсулот учун ички солиқ:

ҚҚС ставкаси – 19%

Акциз йигими – 0%

Тарифлар:

Ишлаб чиқарилган жойи	Үлчов бирлиги тури	Тариф	Шартлар	Изоҳ	Еи қонун хужкаглари
ERGA OMNES	Учинчи мамлакатлар божи	18 %			R2031/01
ОСП (умумий режим) Хитой, Таиланддан ташқари	Тариф преференция	14.5 %			R0978/12



6

Европа Иттифоқида озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш

Маҳсулотларни, жараёнларни ёки хизматларни сертификатлаштириш маҳсулот, жараён ёки хизматлар стандартлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ келиши кафолатланишини таъминлаш воситасидир. Сертификатлаштиришнинг айрим схемалари сифатни бошқариш тизимларини дастлабки текширишни ёки баҳолашни, сунгра эса кузатишни ўз ичига олиши мумкин. Кузатишда диккат-эътибор сифат менежменти тизимига қаратилади. Бошқа схемалар дастлабки текширувга ва назорат хатти-ҳаракатларига асосланади, учинчи тоифадаги схемалар фақат текшириш турига эга бўлади.



Озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш сифат устидан жиддий ва пухта назоратни талаб қиласди. Европа Иттифоқи Директивалари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган талаблар анча қаттиқидир ва маҳсулот ишлаб чиқарилаётган жойни мажбурий тарзда инспекцион аудитдан ўтказишни ўз ичига олади.

Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилишга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш тартиб-таомилларини белгилаш учун Европа Парламенти томонидан **Озиқ-овқат маҳсулотларига доир қонун ҳужжатларининг умумий принциплари ва курсатмаларини белгилаш**, Европа озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги органини таъсис этиш ҳамда озиқ-овқат товарлари хавфсизлигига доир тартиб-таомилларни мустаҳкамлаш тұғрисида Регламент ишлаб чиқилди. Регламентда таклиф этилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг (шу жумладан, анъанавий маҳсулотларининг) хилма-хиллигини инобатта олган ҳолда озиқ-овқат товарлари борасида одамлар саломатлигининг ва истеъмолчилар манфаатларининг юксак даражасини кафолатлаш имконини берадиган, шу билан бир вактда ички бозорнинг самарали фаолият курсатишини таъминлайдиган асосий низомлар келтирилмоқда. Ушбу Регламент Европа Иттифоқи мамлакатларининг ички бозорларига озиқ-овқат маҳсулотларининг кириб келишини тартибга солади, уларнинг айланишини назорат қиласди. Регламентда маҳсулотнинг сифати устидан назорат қилишига доир курсатмалар, тегишли равища ЕИ Янги Ёндашуви Директивасининг ва үйғунлаштирилган стандартларининг талаблари келтирилади. Шунингдек Регламентта илова қилинган курсатмаларда ЕИ бозорига кириб келаётган озиқ-овқат маҳсулотларига қўйилган асосий санитария-гигиеник талаблар, маҳсулотни лабораторияда текшираётганда курсаткичларга қўйилган норматив талаблар, Европа Иттифоқига импорт қилинаётган ёки унинг худуди орқали ўтказилаётган маҳсулотни



сертификатлаштиришга құйилған талаблар ҳам көлтирилади. Сертификатлаштиришдан ұтказилған озиқ-овқат маҳсулотлари Европа Иттифоқынинг маҳсус реестрига киритилади ва Европа Иттифоқи иштироқчи мамлакатларининг ички бозорларига түсікісіз киритилиши мүмкін.

Европа Ҳамжамияти мамлакатларининг сертификатлаштириш тартиб-таомиллари МДХ мамлакатларидаги сертификатлаштириш тартиб-таомилларидан деярлі фарқ қылмайды. Агар маҳсулот Европа стандартларига мувофиқ келмаса, талабарни ёки стандартларни үйғунлаштириш орқали маҳсулотни Европа стандартларига мувофиқлаштириш мүмкін.

Одатда, шартноматузилған вақтдан бошлаб мувофиқ сертификати ёки мувофиқлик декларацияси олингунга қадар бутун жараён учун икki-уч ҳафта талаб этилади. Агар стандарт талабларига күра сертификатлаштириш тартиб-таомили ұтказилаёттан бўлса, бироз кўпроқ вақт талаб этилади. Ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш технологияларига мувофиқ келишини аудитдан (инспекциядан) ұтказиш талаб этилади.

Бозорга чиқарилған исталған маҳсулот сифатли бўлиши керак. Сифати ёхуд нормаларга ёки стандартларга мувофиқ келиши сертификатлаштириш тартиб-таомили, мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик декларациялари берилиши ёки чиқарилиши билан аниқланади. Агар маҳсулотнинг сифати ёки техник шартларга мувофиқлиги ҳужжатлар билан тасдиқланмаса, маҳсулот яхши рақобатлаша олмайди.

ЕИ учун озиқ-овқат маҳсулотларини сертификатлаштириш тартиб-таомили қуидаги бир қанча босқичлардан иборат:

- маҳсулот ва у ишлаб чиқарилған жой ҳақидаги биринчи маълумотни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- экспертнинг – аудиторнинг ишлаб чиқарувчининг олдига сафар қилиши. Бунда ушбу ишлаб чиқариш жараёнинг нисбатан қўлланиладиган Регламентта мувофиқликни баҳолаш мақсади кўзланади;
- маҳсулотнинг ушбу маҳсулотга нисбатан қўлланиладиган Курсатмалар ва Регламентларда назарда тутилган муайян кўрсаткичларга мос келишини синаб кўриш учун ундан намуналарни танлаб олиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари муайян Регламентта мувофиқ келмаган тақдирда ишлаб чиқаришни аудитдан ұтказишида олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- аккредитациядан ұтказилған лабораторияларда маҳсулотнинг танлаб олинган намуналарини Регламентдаги талабларда ва унга илова қилинган Курсатмаларда белгиланган кўрсаткичларга текшириш;
- тартиб-таомил натижалари ижобий бўлса, маҳсулотни ЕИ Реестрида рўйхатдан ұтказиб, унга тегишли Сертификат бериш.



7

«Ўзстандарт» агентлигининг маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштиришириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни тако-миллаштиришга доир қушимча чора-тадбирлар түғрисида» 2011 йил 28 апрелдаги 122-сонли Қарорига мувофиқ «Ўзстандарт» агентлигининг марказий аппаратида «Маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш бюроси» ташкил этилди (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади). Бюронинг марказий аппаратида 5 нафар ходим, худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларида 1 нафардан вакил – жами 17 киши фаолият кўрсатади (бундан Тошкент шаҳри ва вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармалари мустасно).

Бюронинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлар, маҳсулотни сертификатлаштириш, ёрлиқлаш, ураш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;
- ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича зарур маълумотлар олиш учун маълумот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- стандартлар, маҳсулотни сертификатлаштириш, ёрлиқлаш, ураш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича доимий янгилаб туриладиган маълумотномани ишлаб чиқиши ва жорий этиш, кейинчалик уни «Ўзстандарт» агентлигининг Интернет тармоғидаги сайтига жойлаштириш.


Бюронинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Uztdabirkoreksport» ихтисослашган ташқи савдо компанияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-кувватлаш жамғармаси билан ҳамкорлик қилиш юзасидан ишлар ташкил этилди. Бундан ташқари, Давлат божхона қўмитасида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида, Соғлиқни саклаш вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида Бюро билан ҳамкорликда ишлаш учун масъул мутахассислар тайинланди.



Бугунги кунда Бюро мутахассислари (шу жумладан минтақавий вакиллари) қарийб 4000 та корхонага маслаҳат бердилар.

Шу билан бирга, Бюро мутахассислари томонидан корхоналарда 4 та ISO халқаро стандартини, 3 та EN Европа стандартини, 2 та ГОСТ Р Россия миллий стандартини, 1 та ДСТ давлатлараро станлартини жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек АҚШ стандартига мувофиқ Афғонистонга экспорт қилиш учун қоғоз стаканлар ишлаб чиқариш, Эронга экспорт қилиш учун Ҳалол тизимида қандолат маҳсулотларини сертификатлаштириш, Германия ва Англияга асал экспорт қилиш учун халқаро стандартни жорий этиш бўйича мурожаатлар кўриб чиқилди.

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТИЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ФАОЛИЯТИ





Бундан ташқари, «Ўзстандарт» агентлиги мутахассислари томонидан қурилиш, машинасозлик ва тўқимачилик маҳсулотларини, ип, шунингдек, кавар, бешик, тандир, адрес, гуруч, кузатишга мўлжалланган туйнукларни экспорт қилиш учун норматив хужжатлар ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикасидан дастлабки тарзда экспорт қилинишига кўмаклашилди.

«Ўзстандарт» агентлигининг расмий сайтидаги «Маълумотнома – тадбиркорга ёрдам» бўлимида Бюронинг фаолияти тўғрисида маълумот жойлаштирилган, шунингдек экспорт қилувчи корхоналарнинг МДҲ мамлакатларида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасидаги талабларга оид маълумотни тезлиқда олиши учун рус ва ўзбек тилларида тегишли сайтларга ҳаволалар билан бирга маълумот тақдим этилган:

- МДҲ мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ҳуқуматлараро битимлари;
- МДҲ мамлакатларининг техник регламентлари;
- МДҲ иштирокчи давлатларида албатта мувофиқлаштирилиши лозим булган маҳсулотлар рўйхати;
- МДҲ иштирокчи давлатларининг сертификатлаштириш бўйича аккредитациядан ўтказилган органлари рўйхати;
- Давлатлараро стандартлар каталоги;
- Маҳсулотни Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Арманистон, Қозоғистон ва Туркманистон бозорларида жойлаштириш шартлари.

Бундан ташқари, ўзбек ва рус тилларида маҳсулотни стандартлаштириш, сертификатлаш, белгилаш, ўрамлашга доир талаблар, шунингдек Буюк Британия, Германия, Франция, Польша, Япония, Миср, Хиндистон, Хитой, АҚШ, Греция бозорларининг талаблари жойлаштирилган.

«Ўзстандарт» агентлигининг стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва аккредитациядан ўтказиш тўғрисида 26 та мамлакат билан тузилган амалдаги халқаро ва давлатлараро Битимларига асосланган ҳолда маҳсулотга кўйиладиган талаблар юзасидан маълумот ҳуқуқий асосда айирбошланмоқда.

Жаҳон савдо ташкилотининг «Савдодаги техник түсиқлар тўғрисидаги битимиға» мувофиқ ҳар бир аъзо мамлакатда манфаатдор томонларнинг барча сўровларига жавоб берадиган ва стандартлар, техник регламентлар, мувофиқликни баҳолаш тартиб-таомиллари бўйича тегишли ахборотни тақдим этадиган Ахборот маркази яратилди. Бугунги кунда Бюро тадбиркорликнинг экспортга йўналтирилган субъектларига маълумот тақдим этиш учун Германиянинг фақат ана шундай маркази билан ҳамкорлик бўйича иш олиб бормоқда.

«Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш» GIZ лойиҳасини амалга ошириш доирасида ўтган давр мобайнида мева-сабзавот маҳсулотлари учун қарийб 50 та ИСО стандартини жорий этишга кўмаклашилди.



Ўзбекистонда амалда бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари учун ИСО халқаро станлартлари

Oz DSt ISO 7702: 2013	Куруқ нок (DRIED PEARS). Техник шартлар ва синаш усуслари. (ISO 7702:1995, IDT)
Oz DSt ISO 7703: 2013	Куруқ шафтоли (DRIED PEACHES). Техник шартлар ва синаш усуслари. (ISO 7703:1995, IDT)
Oz DSt ISO 7701: 2011	Куруқ олма. Техник талаблар ва синаш усуслари. (ISO 7701:1994, IDT)
Oz DSt ISO 1026:2011	Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари. Паст босимда қуритиш усули билан куруқ моддалар микдорини ва азеотроп таркибий қисмларга ажратиш усули билан намлик микдорини аниқлаш (ISO 1026:1982, IDT)
Oz DSt ISO 1842: 2011	Мева-сабзавот маҳсулотлари. РН ни аниқлаш. (ISO 1842:1991, IDT)
Oz DSt ISO 1955: 2011	Цитрус мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Эфир мойнинг микдорини аниқлаш (назорат усули). (ISO 1955:1982, IDT)
Oz DSt ISO 2173: 2011	Мева-сабзавот маҳсулотлари. Рефрактометр билан эрувчан куруқ моддалар микдорини аниқлаш усули. (ISO 2173:2003, IDT)
Oz DSt ISO 2447: 2011	Мева-сабзавот маҳсулотлари. Қалай микдорини аниқлаш. (ISO 2447:1998, IDT)
Oz DSt ISO 2448: 2011	Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари. Этанол микдорини аниқлаш. (ISO 2448:1998, IDT)
Oz DSt ISO 3634 : 2011	Сабзавот маҳсулотлари. Хлорид микдорини аниқлаш. (ISO 3634:1979, IDT)
Oz DSt ISO 5515: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Таҳлилдан аввал органик моддани ажратиш. Нам усул. (ISO 5515:1979, IDT)
Oz DSt ISO 5516: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Таҳлилдан аввал органик моддани ажратиш. Товлантириш усули. (ISO 5516:1979, IDT)
Oz DSt ISO 5517: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Темир микдорини аниқлаш. Фотометрик усул. 1,10-фенантролин кўлланилиди. (ISO 5517:1978, IDT)
Oz DSt ISO 5518: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Бензой кислота микдорини аниқлаш. Спектрофотометрик усул. (ISO 5518:2007, IDT)
Oz DSt ISO 5522:2011	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Олтингуртнинг ўмумий микдорини аниқлаш. (ISO 5522:1981 IDT)
Oz DSt ISO 5523: 2013	Суюқ мева-сабзавот маҳсулотлари. Олтингурт микдорини аниқлаш. Амалий усул. (ISO 5523:1981, IDT)
Oz DSt ISO 6558-2:2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Каротин микдорини аниқлаш. 2-қисм. Ўмумъетироф этилган усуслар. (ISO 6558-2:1992, IDT)
Oz DSt ISO 6561-1:2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Кадмий микдорини аниқлаш. 1-қисм. Атом абсорбцион спектрометрия усули. Графит шамчани кўлланилиди. (ISO 6561:2005, IDT)
Oz DSt ISO 6561-2:2011	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Кадмий микдорини аниқлаш. 2-қисм. Куйдириш ёрдамида атом абсорбцион спектрометрия усули. (ISO 6561-2:2005, IDT)
Oz DSt ISO 6632: 2011	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Тез буғланадиган кислота микдорини аниқлаш. (ISO 6632:1981, IDT)
Oz DSt ISO 6634: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Маргимуш микдорини аниқлаш. Спектрофотометрик усул. Кумуш дигитидитио-карбамати кўлланилиди. (ISO 6634:1982, IDT)
Oz DSt ISO 6635: 2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Нитритлар ва нитратлар микдорини аниқлаш. Молекуляр-абсорбцион спектрометрия усули. (ISO 6635:1984, IDT)



O'z DSt ISO 6636-1:2013	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Рух миқдорини аниқлаш. 1-кисм. Поляграфик усул. (ISO 6636-1:1986, IDT)
O'z DSt ISO 6638:2011	Мева-сабзавот маҳсулотлари. Чумоли кислотаси миқдорини аниқлаш. 1-кисм. Гравиметрик усул. 2-кисм. Амалий усул (ISO 6638:1985, IDT)
O'z DSt ISO 750:2011	Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари. Титрланаған кислота миқдорини аниқлаш. (ISO 750:1998, IDT)
O'z DSt ISO 751:2011	Мева-сабзавот маҳсулотлари. Сувда эримайдын құруқ моддалар миқдорини аниқлаш. (ISO 751:1998, IDT)
O'z DSt ISO 762:2011	Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари. Минерал құшимчалар миқдорини аниқлаш (ISO 762:2003, IDT)
O'z DSt ISO 763:2011	Қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари. Тузли кислотада эримайдын күлни аниқлаш. (ISO 763:2003, IDT)
O'z DSt ISO 7558: 2011	Мева ва сабзавотларни қадоқлаш бүйіча құлланма. (ISO 7558:1988, IDT)
O'z DSt ISO 9526: 2011	Мевалар, сабзавотлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар. Атом-да үтда шимдиріши орқали спектрометрик усул билан темир миқдорини аниқлаш. (ISO 9526:1990, IDT)
O'z DSt ISO 15141-1:2013	Озик-овқат маҳсулотлари. Дон ва дон маҳсулотларыда А охратоксининг миқдорини аниқлаш. 1-кисм. Силикагел билан тозалаш орқали юқори даражада самарағы хроматография усулі. (ISO 15141-1:1998, IDT)
O'z DSt ISO 15141-2:2013	Озик-овқат маҳсулотлари. Дон ва дон маҳсулотларыда А охратоксининг миқдорини аниқлаш. 2-кисм. Бикарбонат билан тозалаш орқали юқори даражада самарағы хроматография усулі. (ISO 15141-2:1998, IDT)
O'z DSt ISO 1134: 2010	Нок. Советтігічда сақлаш (ISO 1134:1993, IDT)
O'z DSt ISO 1212:2010	Олма. Совуқда сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 1212:1995, IDT)
O'z DSt ISO 1973:2011	Шолғомсыз думалоқ пиёс. Сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 1973:1991, IDT)
O'z DSt ISO 2165:2011	Овқатта күшиладын картошка. Сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 2165:1974, IDT)
O'z DSt ISO 2166:2011	Сабзи. Сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 2166:1981, IDT)
O'z DSt ISO 2168:2011	Үзүм. Совуқда сақлаш бүйіча құлланма (ISO 2168:1974, IDT)
O'z DSt ISO 2169:2011	Мева ва сабзавотлар. Совуқда сақлашынг физик шарт-шароитлари. Аниқлаш ва үтчаш. (ISO 2169:1981, IDT)
O'z DSt ISO 2826:2010	Урек. Советтігічда сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 2826:1974, IDT)
O'z DSt ISO 3631:2011	Цитрус мевалар. Сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 3631:1978, IDT)
O'z DSt ISO 3659:2011	Мева ва сабзавотлар. Совуқда сақланғандан кейин етилиш. (ISO 3659:1977, IDT)
O'z DSt ISO 5524:2011	Помидор. Советтігічда сақлаш ва советтік машиналарыда ташиш бүйіча құлланма. (ISO 5524:1991, IDT)
O'z DSt ISO 6659:2011	Шириң қалампир. Советтігічда сақлаш ва ташиш бүйіча құлланма. (ISO 6659:1981, IDT)
O'z DSt ISO 6662: 2011	Олхури. Совуқда сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 6662:1983, IDT)
O'z DSt ISO 6949:2011	Мева ва сабзавотлар. Башқариладын атмосфера шароитларыда сақлаш принципі ва усулі. (ISO 6949:1998, IDT)
O'z DSt ISO 7560:2011	Бодринг. Советтік транспортда сақлаш ва ташиш. (ISO 7560:1995, IDT)
O'z DSt ISO 8682:2010	Олма. Башқариладын атмосферада сақлаш. (ISO 8682:1987, IDT)
O'z DSt ISO 873:2010	Шафтоли. Совуқда сақлаш бүйіча құлланма. (ISO 873:1980, IDT)
O'z DSt ISO 949:2011	Рангли карам. Совуқда сақлаш ва советтік машиналарыда ташиш бүйіча құлланма. (ISO 949:1987, IDT)
O'z DSt ISO 9833:2011	Қовун. Совуқда ва советтігічда транспортда сақлаш. (ISO 9833:1993, IDT)

Илова

1-илова

ЕИ аъзо давлатларидаги ҚҚС ставкалари

ЕИ аъзо давлатларидаги амалдаги ҚҚС ставклари (%)
(09.07.2014 ҳолатига кўра)

http://exporthelp.europa.eu/thdapp/display.htm?page=rt/rt_ValueAddedTax.html&docType=main&languageId=EN#VAT_rates_in_the_EU

Аъзо давлат	Стандарт	Пасайтирилган	Ўта паст	Базовий
Австрия	20	10	-	12
Бельгия	21	6	-	12
Болгария	20	-	-	-
Хорватия	25	13	5	-
Кипр	19	5	-	-
Чехия Республикаси	21	15	-	-
Дания	25	-	-	-
Эстония	20	0 – 9	-	-
Финляндия	24	10 – 14	-	-
Франция	20	5.5 – 10	2.1	-
Германия	19	7	-	-
Греция	23	13	6.5	-
Венгрия	27	5 – 18	-	-
Ирландия	23	4.8 – 9 – 13.5	0	-
Италия	22	10	4	-
Латвия	21	0 – 12	-	-
Литва	21	0.5 – 9	-	-
Люксембург	15	6	3	12
Мальта	18	5	-	-
Нидерландия	21	6	-	-
Польша	23	8	5	-
Португалия	23	6 – 13	-	-
Руминия	24	9	-	-
Словакия Республикаси	20	10	-	-
Словения	22	9.5	-	-
Испания	21	10	4	-
Швеция	25	6 – 12	-	-
Буюк Британия	20	0 – 5	-	-

Озиқ-овқат маҳсулотлари учун микробиологик мезонлар:
сабзавотлар, мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар
(2005 йил 15 ноябрда қабул қилинган 2073/2005-сонли
Регламентга (ЕИ) мувофиқ)

1-бүлім. Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги мезонлари

Озиқ-овқат тоифаси	Микро-организм	Намуналарни сарапаш режаси		Доиралар	Тәжілділік усул	Мезон күлпамыладыған бөсікчі
		п	с			
1.19. Авшалдан кесилгандан (фойдаланыша тайёр бўлган) мева ва сабзавотлар	Salmonella	5	0	25 г да йўқ	EN/ISO 6579	Яроқлилик муддати давомида со-тувга кўйилган маҳсулотлар
1.20. Пастеризация қилинмагандан (фойдаланыша тайёр бўлган) мева ва сабзавот шарбатлари	Salmonella	5	0	25 г да йўқ	EN/ISO 6579	Яроқлилик муддати давомида со-тувга кўйилган маҳсулотлар

п – сарапланган намуналар сони

с – кўрсаткичлар та M оралиғида бўлган намуналар сони

Натижаларни шарҳлаш

Salmonella озиқ-овқат маҳсулотларининг турли тоифаларида:

- агар барча олинган натижалар бактерияларнинг йўқлигини кўрсатаётган бўлса, қониқарлиди;
- агар бирор-бир намунада бактерия мавжудлиги аниқланса, қониқарсизdir.

2-бүлүм. Ишлаб чиқариш жараёнлари гигиенаси мезонлари

2.5. Сабзавотлар, мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар

Озиқ-овқат тоифаси	Микроорганизм	Намуналарни сарапаш режаси		Доиралар		Тархлий үсүл	Мезон күлгөннүүлдиган боскүч	Натижка қониқарыз бүлганды аманатта оширилдиган хатти-харакаттар
		n	c	m	M			
2.5.1. Аввалдан кесилганд (фойдаланишга тайёр булган) мева ва сабзавотлар	E.coli	5	2	100 КОЕ/г	1 000 КОЕ/г	ISO 16649-1 ёки 2	Ишлаб чиқариш жараёни	Ишлаб чиқариш жараёнлари гигиенасини, хом ашё танловини яхшилаш
2.5.2. Пастеризация қилинмаган (фойдаланишга тайёр булган) мева ва сабзавот шарбатлари	E.coli	5	2	100 КОЕ/г	1 000 КОЕ/г	ISO 16649-1 ёки 2	Ишлаб чиқариш жараёни	Ишлаб чиқариш жараёнлари гигиенасини, хом ашё танловини яхшилаш

n – сарапанган намуналар сони

c – күрсаткычлар түрүнде бүлганды аманатта оширилдиган намуналар сони

Натижаларни шархлаш

Ушбу доиралар ҳар бир текширилген натижалар түрүнде бүлганды аманатта оширилдиган намуналар сони.

Текширилген натижалар текширилген жараённинг микробиологик назорати си-фатини күрсатмоқда.

E. coli:

- агар барча намуналардаги натижалар < m бўлса, қониқарлидири.
- агар m таравишидан кийин натижалар с намуналарда максимал бўлса, қолган намуналарда эса натижалар < m бўлса, мақбулдири.
- агар олинган натижаларнинг биттаси ёки ундан кўпроғи >M бўлса ёки m таравишидан кийин натижалар с намуналардагидан кўпроқ аниқланса, қониқарсиздири.

Кўшимча маълумотни 2005 йил 15 ноябрда қабул қилинган 2073/2005-сонли Регламентдан (ЕИ) топиш мумкин (CELEX 32005R2073)

**Озиқ-овқат маҳсулотларидағи ифлослантирувчи
моддаларнинг рухсат этилган максимал даражаси
(мева-сабзавот маҳсулотлари учун)**

2-бўлим. Микотоксинлар

	Маҳсулот	Максимал даражада (мкг/кг)
2.1. Афлотоксин		
2.1.9.	Инсон томонидан истеъмол қилингунга қадар тартибга солиниши ёки бошқача тарзда физик қайта ишланиши лозим бўлган ёки озиқ-овқат маҳсулотларида ингредиентлар сифатида ишлатиладиган қуруқ мевалар	5,0
2.1.10	Инсон бевосита истеъмол қилиши учун мўлжалланган ёки озиқ-овқат маҳсулотларида ингредиентлар сифатида ишлатиладиган қуруқ мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар	2,0
2.2. Охратоксин		
2.2.3	Қуритилган узум	10,0
2.2.8	Инсон бевосита истеъмол қилиши учун мўлжалланган узум шарбати, концентрацияланган узум шарбати, узум нектари, узум шираси ва концентрацияланган узум шираси	2,0
2.3. Патулин		
2.3.1.	Мева шарбатлари, концентрацияланган мева шарбатлари ва мева нектарлари	50,0
2.3.3.	Бевосита истеъмол қилишга мўлжалланган олмадан тайёрланган маҳсулотлар, шу жумладан олма компоти, олма пюреси, бундан 2.3.4. и 2.3.5-бўлимларида кўрсатилган маҳсулотлар мустасно	25,0
2.3.4.	Чақалоқлар ва гўдакларга мўлжалланган ва тегишли белгисига эга бўлган олма шарбати ва қаттиқ олмалардан тайёрланган маҳсулотлар, шу жумладан олма компоти ва олма пюреси	10,0
2.3.5.	Чақалоқлар ва гўдакларга мўлжалланган болалар овқати, бундан қайта ишланган дон маҳсулотлари мустасно	10,0

3-бұлыми. Металлар

	Маҳсулот	Максимал даража (мкг/кг ұл қолатда)
3.1. Құрғошин		
3.1.10	Сабзавотлар. Бундан карам, баргли сабзавотлар, янги үзилген құқат, құзиқоринлар ва сув үтлари мустасно. Картошка учун максимал даражада тозаланған картошкага тааллуклы.	0,10
3.1.11	Карам, баргли сабзавотлар, құзиқорин	0,30
3.1.12	Мевалар. Бундан реза мевалар ва майда мевалар мустасно	0,10
3.1.13	Реза мевалар ва майда мевалар	0,20
3.1.15	Мева шарбатлари, концентрацияланған мева шарбатлари ва мева нектарлари	0,050
3.2. Кадмий		
3.2.15	Сабзавот ва мевалар. Бундан баргли сабзавотлар, құқат, баргли карам, құзиқоринлар, пояли сабзавотлар, илдизмевали үсимликтар ва сув үтлари мустасно	0,050
3.2.16	Пояли сабзавотлар, илдизмевали үсимликтар. Бундан сельдерей мустасно. Картошка учун максимал даражада тозаланған картошкага тааллуклы.	0,10
3.2.17	Баргли сабзавотлар, құқат, баргли карам, сельдерей, құзиқоринлар	0,20
3.4. Қалай (ноорганик)		
3.4.1	Консерваланған озиқ-овқат маҳсулотлари. Бундан ичимликлар мустасно.	200
3.4.2	Консерваланған ичимликлар, шу жумладан мева ва сабзавот шарбатлари	100

Күшімчада маълумотни 1881/2006-сонли Регламентдан (ЕИ) топиш мүмкін (ОJ L-364 20/12/2006) (**CELEX 32006R1881**).

Германияда мева-сабзавот маҳсулотлари учун амалда бўлган стандартлар

Стандарт рақами	Нашр этилган санаси	Тури	Номи
Стандарты DIN			
DIN 10360	1972-05	Стандарт	Мева ва сабзавотлар. Юқори ҳароратда қаттиқ музлатилган ва консерваланган исманпокдаги курук моддалар мидорини аниқлаш
DIN EN 12014-2	1997-08	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Нитратларни ва / ёки нитритларни аниқлаш – 2-кисм: Юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни / сабзавотлар ва сабзавот маҳсулотларидағи нитратлар мидорини аниқлаш учун 12014-2:1997
DIN EN 12014-7	1998-08	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Нитратларни ва / ёки нитритларни аниқлаш – 7-кисм: Кадмий камайтирилганда кейин сабзавот ва үсімлик маҳсулотларидаги нитратлар мидорини аниқлаш учун узлуксиз оқишиз усулни; Германия версияси EN 12014-7: 1998
DIN EN 14177	2004-03	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Тиандирилган ва тиандирилмаган олма шарбати ҳамда по-ресидаги патулинни аниқлаш. Суюқники жаҳртган ҳолда юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Германия версияси EN 14177: 2003
DIN EN 14333-1	2005-01	Стандарт	Еғиз озиқ-овқат маҳсулотлари. Куйдаги бензимидазоль функциздарни аниқлаш: карбендазим, тиабендазол ва беномил (карбендазим сифатида). 1-кисм. Тоза қаттиқ фазадан акратиб олип, юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Германия версияси EN 14333-1:2004
DIN EN 14333-2	2005-01	Стандарт	Еғиз озиқ-овқат маҳсулотлари. Куйдаги бензимидазоль функциздарни аниқлаш: карбендазим, тиабендазол ва беномил (карбендазим сифатида). 2-кисм. Юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Тозалаб ериб кирүвчи хроматография гель билан биргаликда; Германия версияси EN 14333-2:2004
DIN EN 14333-3	2005-01	Стандарт	Еғиз озиқ-овқат маҳсулотлари. Куйдаги бензимидазоль функциздарни аниқлаш: карбендазим, тиабендазол ва беномил (карбендазим сифатида). 3-кисм. Суюқники акратиб оркали юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Германия версияси EN 14333-3:2004
DIN EN 15055	2006-08	Стандарт	Еғиз озиқ-овқат маҳсулотлари. Хлормекват ва мепикватни аниқлаш LC-MS/MS усулни; Германия версияси EN 15055:2006
DIN EN 15829	2010-05	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Коринка, майиз, кишмиш, арапаш курилтилган мевалар ва курилтилган майиздаги А охратоскими аниқлаш. Юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Экстрактни иммunoаффин колонли тозалаш күлпапган ва флюоресценция буййна детектирганда; Германия версияси EN 15829:2010
DIN EN 15890	2010-12	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Шарбат ва мевалардан тайёрланган болалар оқатида патулинни аниқлаш. Юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни. Суюқники жаҳртланганда, қаттиқ фаза жаҳртли олинган ва ультрабанафа соҳага детектирилганда ҳолда; Германия версияси EN 15890:2010
DIN EN 16618	2013-06	проект	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Масс-спектрометрия суюқлик хроматографияси ёрдамда озиқ-овқат маҳсулотларидаги акриламидани аниқлаш (LC-ESI-MS-MS); Германия версияси prEN 16618:2013
DIN EN ISO 16050	2011-09	Стандарт	Озиқ-овқат маҳсулотлари. Доң экинларида, ёнғода ва улардан кайта ишланган маҳсулотлардаги В1 афлатоскимини ва B1, B2, G1 ва G2 афлатоскимларининг умумий мидорини аниқлаш. Юқори самарадор суюқлик хроматографияси усулни (ISO 16050:2003); German version EN ISO 16050:2011
Codex-Alimentarius			
CAC/RCP 50 ** CAC/RCP 50-2003 * CAC/RCP 50	2003	Техник кодидапар	Олма шарбатида ва бошқа ичимлекларидаги олма шарбати ингридиентларидаги патулиннинг оғидини олиш ва уни камайтириш
CODEX STAN 13 * CODEX STAN 13-1981	2007	Техник кодидапар	Консерваланган томат учун стандарт
CODEX STAN 17 * CODEX STAN 17-1981	2001	Техник кодидапар	Консерваланган олма соуси учун стандарт
CODEX STAN 57 * CODEX STAN 57-1981	2007	Техник кодидапар	Кайта ишланган томат концентрати стандарт
CODEX STAN 130 * CODEX STAN 130-1981	1981	Техник кодидапар	Курилтилган ўрик учун кодекс стандарти
CODEX STAN 293	2008	Техник кодидапар	Помидорлар учун стандарт
CODEX STAN 299 * CODEX STAN 299-2010	2010	Техник кодидапар	Олма учун кодекс стандарти
CODEX STAN 303	2011	Техник кодидапар	Томат дарахти учун стандарт





стандарт агентлигининг Маҳсулотларни
экспорт қилишга күмаклашиш Бюроси
100049, Узбекистон Республикаси
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Форобий кучаси, 333 «А» уй
төл.: 249-80-15, 246-17-63
mail: exort@standart.uz, uzst@standart.uz